

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Тупроқшунослик ва агрокимё ўқитишида
замонавий педагогик технологиялар”
модули бўйича
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ЎзМУ, “Тупроқшунослик” кафедраси доценти, б.ф.д. Г.Джалилова.

Тақризчилар: ТАИТИ,“Тупроқ физикаси ва технологияси” бўлими етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Р.Курвонтоев
ЎзМУ, “Тупроқшунослик” кафедраси профессори, б.ф.д. Л.А.Гафурова

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилингандаги (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)*

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	63
V. ГЛОССАРИЙ	103
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	120

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмuni кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: педагог кадрларни тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий

жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш.

Модулнинг вазифалари:

- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитиша педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитиша педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитиша ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитиша маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

- Тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг хуқуқий-меърий, ўкув меърий хужжатларини;
- хуқуқий-меърий, ўкув меърий хужжатларини таълим беришдаги ахамиятини;
- тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган замонавий моделларни **билиши керак**.
- Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини тармоқли шакллари: масофавий ўқитиши, электрон ўқитиши, “e-learning” моделларини қўллаш;
- Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини “blended learning” (аралаш таълим бериш) моделларини қўллаш;
- Педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим**.
- Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш;
- Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш **малакаларига эга бўлиши лозим**.
- Тупроқшуносликка оид муаммо ва масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;

- Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларни шакллантириш **компетенцияларига эга бўлишии лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиши маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тупроқшунослик ва агрокимё ўқитишида замонавий педагогик технологиялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Тупроқшуносликнинг замонавий муаммолари ва инновацион технологиялар”, “Агрокимёнинг замонавий муаммолари ва инновацион технологиялар”, “Тупроқ экологияси ва рекультивацияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тупроқшунослик ва агрокимё ўқитишида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	Жумладан Назарий	Амай Машғулот
1.	Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фанини мақсад ва вазифалари.	2	2	
2.	Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар.	2	2	
3.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари.	2	2	
4.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни	2	2	

	назорат ишларини ташкил қилиш.			
5.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза машғулотларни шакллантириш.	4		4
6.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида амалий машғулотларни шакллантириш.	2		2
7.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида семинар машғулотларни шакллантириш.	2		2
8.	Тупроқшунослик фанини ўқитишида лаборатория машғулотларни шакллантириш.	2		2
	Жами:	18	8	10

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фанини мақсад ва вазифалари. (2 соат).

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фани мақсад ва вазифалари.
2. Тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг хукуқий-меърий, ўқув меърий хужжатлари ва уларни таълим беришдаги аҳамияти.
3. Замонавий босқичда тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг долзарб муаммолари.

2-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар (2 соат).

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар. *Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш усуллари.*
2. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини тармоқли шакллари: масофавий ўқитиши, электрон ўқитиши, “e-learning” моделлари.
3. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини “blended learning” (аралаш таълим бериш) моделлари. .
4. *Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини анаънавий моделлари*

3-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари (2 соат).

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари.
2. *Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини таълим ташкиллаштиришинг асосий шакллари.*
3. *Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида фойдаланиладиган воситалар: ахборот коммуникация коммуникация технологиялари, маҳсус дастурий таъминотлар, электрон манбалар, таълим платформалари.*

4-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш (2 соат).

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш.
2. *Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишида назорат турини белгилаш (халкаро тажрибалар).*
3. *Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишида баҳолаши мезонлари (халкаро тажрибалар).*

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза машғулотларни шакллантириш (4 соат).

2-амалий машғулот. Тупроқшунослик фанини ўқитишида амалий машғулотларни шакллантириш (2 соат).

3-амалий машғулот. Тупроқшунослик фанини ўқитишида семинар машғулотларни шакллантириш (2 соат).

4-амалий машғулот. Тупроқшунослик фанини ўқитишида лаборатория машғулотларни шакллантириш (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассисмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар,

муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Даил
- D) Об-ҳаво маълумоти



Қиёсий таҳлил

Экология ва ландшафт, қурилиш, саноат экологияни қиёсий таҳлил қилинг.



Тушунча таҳлили

Шафарсозлик ва экологик архитектурани изоҳланг...



Амалий кўникма

Иккиласмчи ресурслардан фойдаланишнинг экологик асосларини аниқланг


Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар түрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилди ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жихатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

1-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фанини мақсад ва вазифалари.

РЕЖА:

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фани мақсад ва вазифалари.
2. Тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг хуқуқий-меърий, ўкув меърий хужжатлари ва уларни таълим беришдаги ахамияти.
3. Замонавий босқичда тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг долзарб муаммолари.

Таянч иборалари: инновацион ёндашув, илмий-педагогик даражса, касбий билим, кўникма, меъёрий хужжатлар ижодий фаолият замонавий тупроқшунос

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фани мақсад ва вазифалари. Мақсад педагог кадрларни тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш.

Тупроқшунослик фанининг ўқитиши методикаси вазифалари:

- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитишида маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштиришдан иборат.

Тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ўқитиши методикаси фанлардан

турли машғулотларни ўтказа билиш қобилятига эга бўлиши шарт. Таълим ва тарбиянинг умумий мақсадларидан бири тупроқшунослик ва агрокимё фанларини ташкил қилиш, ўқитиша тупроқшунослик соҳасидаги фанларнинг ўзига хослиги, унинг замонавий фанлар тизимида тутган ўрни ва ролидан, ҳозирги жамият ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда фанларни ўқитиши методикасини ўқитишининг мақсадларини қуидагича белгилаш мумкин:

Тупроқшунослик фанини ўқитиши методикаси фанидан ўқитиша:

- маҳсус фанларни ўқитиши қонуниятлари ва тамойиллари;
- таълим мазмунини танлаш мезонлари, ўқитиши метод ва воситалари;
- ўқитишининг ахборот технологиялари, ўқув амалиётини ташкил этиш;
- ўқитувчининг ўқув меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
- тупроқшунослик фанларни ўқитиши жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойиллари;
- талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини ошириш методлари ва воситалари, ўқитиши шакллари, маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- маҳсус фанларни ўқитиши жараёнида талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларини таҳлил этиш турлари, шакл ва методларини, ўқитишининг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ўқитиша машғулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш, очиқ машғулотларни ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, йил, семестр бўйича ўқув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш, аудиториядан ташқари иш шаклларига раҳбарлик қилиш;
- ҳаётида компьютерлардан онгли ва оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакиллантириш;
- ўқитиши жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларини кўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

“Тупроқшунослик ва агрокимё ўқитиша замонавий педагогик технологиялар” фанларни ўқитиши методикасини эгаллаш учун мутахассислик фанларини эгаллаш ва уларни тафаккурини ривожлантириш лозим. Бу вазифа замонавий педагог олдида турган биринчи вазифадир.

2. Тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг хуқуқий-меърий, ўқув меърий


хужжатлари ва уларни таълим беришдаги ахамияти.

Таълим жараёнини ташкил этишда авваломбор педагог кадрларга қўйиладиган талабларга тўхталиб ўтсак.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимга оид фармонлари, қарорларини моҳияти ва уларда белгиланган устивор йўналишларни;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг олий таълимга оид қарорларини;
4. Ваколатли давлат бошқаруви органларининг буйруқларини ва уларни мазмунини;
5. Таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурларини мазмунини;
6. Ўқув машғулотларининг хар хил турларини ўтказишни;
7. Инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагогик жараённи самарали ташкил этишни;
8. Замонавий таълим методларини билиш ва уларни таълим жараёнида қўллай олиш;
9. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
10. Миллий ва хорижий тажрибалар асосида маҳсус фанларни ўқитиши самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи инновациялар, педагогик технологиялар ва дидактик таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этиш;
11. Ривожланган давлатларининг таълим муассасаларидағи ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини олий таълимда қўллаш;
12. Хорижий тилни амалий эгаллаш даражасини ошириш ва ундан ўз касбий маҳоратини доимий ошириб боришда фойдаланиш;
13. Чет тилларининг бирида талаб даражасида лингвистик (тинглаш, тушиниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) хамда мулоқот маданияти;
14. Педагогик жараёнда ахборот - коммуникация технологиялар, компьютер техник воситалари ва унинг қурилмаларини билиш, Microsoft Office дастурларида ишлаш;
15. Ўқитиши сифатини оширишга хизмат қиладиган компьютер ва мультимедиа технологияларидан фойдалана олиш;
16. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда маълумотларни излаш ва тизимлаштириш, электрон таҳлил қилиш;

17. Талабалар билан замонавий АКТ воситалари асосида мулокот қилиш;
18. Очиқ электрон таълим ресурслари ва хорижий адабиётлардан фойдаланиш асосида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш;
19. Талабаларни билим ва кўникмаларини рейтинг тизими бўйича назорат қилишни ташкил этиш, баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ташкил этишда фойдаланиш;
20. Кадрлар буортмачиларини таълим натижалари сифатини баҳолаш жараёнига кенг жалб этиш;
- 2
1
22. Ўкув, ўкув - методик ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва назоратини амалга ошириш;
23. Илгор тажриба асосида ўқитиши сифатини ошириш ва таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш;
24. Индивидуал касбий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
25. Мустақил таълим олиш йўли билан ўз касбий билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда қўллаш;
26. Талабаларнинг касбий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ёркин ижодий таълим мухитини шакллантириш;
27. Талабаларнинг шахсий сифатларини, индивидуал ўзига хослигини инобатга олган ҳолда педагогик фаолиятни режалаштириш;
28. Талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш.

Хуқуқий-меърий, ўқув меърий хужжатлари ва уларни таълим беришдаги ахамияти.



Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

а) Олий таълимнинг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийликни ғаъминлашни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабанинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштириши назарда тутилади:

н
и

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- математик ва табиий-илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтинослик фанлари;
- қўшимча фанлар.

Таълим соҳаси учун Давлат таълим стандартлари

- 1.Қўлланилиш соҳаси
- 2.Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиши асослари
- 3.Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
- 4.Таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятларининг таснифи.

Стандартнинг биринчи қисмида:

1. Таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
2. Таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;
3. Таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари бўйича қўйиладиган умумий малака талаблар;
4. Таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган талаблар;
5. Таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
6. Олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
7. Олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув юкламаларининг ҳажми;

Стандартнинг иккинчи қисмида:

1. Таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
2. Таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;
3. Таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблар;
4. Таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган умумий талаблар;
5. Таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
6. Олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;

7.Олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув юкламаларининг ҳажми;

8.Таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаси педагог кадрларига ва моддий-техник базасига қўйиладиган умумий талаблар;

9.Таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш берилади.



Ўқув режа – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив хужжат.

Фан дастури:

Ўқув дастури

2. Ишчи ўқув дастури

Фан дастури – таълим мазмуни, уларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив хужжат;

Ўқув дастури

Кириш

-Фаннинг мақсади ва вазифалари

-Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

-Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникмаси, малакасига қўйиладиган талаблар

-Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

-Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

-Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

2. Назарий машғулотлар мазмуни

3. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари

4. Мустақил таълимнинг мавзулари
5. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

Ишчи ўқув дастури

1. Кириш
 - Фаннинг мақсади ва вазифалари
 - Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.
 - Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникмаси, малакасига қўйиладиган талаблар
 - Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
 - Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни
 - Фанни ўқитишида фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар
2. Фан бўйича соатлар тақсимоти
3. Назарий машғулотлар мазмуни
4. Амалий, семинар ва лабаратория машғулотлари, курс ишларининг мавзулари ва режалари
5. Мустақил таълимнинг мавзулари ва уларга ажратилган соатлар миқдори
6. Рейтинг графики, ЖН, ОН ва ЯНлар бўйича баҳолаш мезонлари
7. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

3. Замонавий босқичда тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг долзарб муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да таъкидланганидек, узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсадларидан бири олий маълумотли, юқори малакали рақоботбардош кадрлар тайёрлаш, уларга замон талаблари асосида замонавий билим бериш, малака ва кўникмаларини ошириш, уларни эгаллаётган соҳаси бўйича етук мутахассис ва Ватанга содик фарзанд қилиб тарбиялашдир. Бунда, давлат талаблари бўйича мутахассисларни умумий билимга эга бўлиш даражаларини ошириш, ҳар бир соҳада ўз касбини етук юқори даражада биладиган билимдон мутахассисларни тайёрлаш борасида таълим соҳасида ўқув жараёнига телевидение, радио, кино ва бошқа шу каби эски воситалар ўрнига ахборот сақлашнинг компютерлаштирилган тизими, проекторлар асосида дарс ўтиш, лазерли ахборот тизими, микроэлектрон қурилмалар, масофавий таълим ва бошқа янги ахборот воситаларидан фойдаланиш, дарс олиб боришида турли янги педагогик технологияларни жорий қилишни тақоза этади. Талабалар фанни ўзлаштиришлари ўқитувчи томонидан қўлланиладиган мақбул педагогик технологиялар турига боғлиқ бўлади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини лаборатория дарсларида янада фаоллаштириш, ижодий изланиши, ўз устида мустақил ишлаши, фикрлашини ривожлантиришда қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган янги технологиялардан фойдаланиш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кун глобаллашув ва ахборот даврида талабаларга билим беришда, маълумотларни тезкор ва аниқлик билан яхлик тучунтириб етказиб беришда дарсларни педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Тупроқшунослик фани соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласи бугунги куннинг устувор йўналишларидан биридир. Чунки тупроқ табиатнинг ишлаб чиқариш воситаси, халқнинг озиқ-овқат ва ҳом ашё манбаи, уни ҳар томонлама ўрганиш, унумдорлигини муттасил ошириш, мелиоратив ва экологик ҳолатини яхшилаб бориш, турли табиий ва антропоген таъсирлардан ҳимоя қилиш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Малакали тупроқшунос кадрлар тайёрлашнинг мақсади шундан иборатки, тупроқнинг келиб чиқиши, унинг эволюцияси, хосса ва хусусиятларининг шаклланиши, унумдорлик қобилиятининг вужудга келиши, унинг табиатдаги экологик функцияси, тупроқнинг бугунги кунда халқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги аҳамияти, уни муҳофаза қилиш масалаларини ўрганиш ва муаммоларини ҳал қилишда тупроқ ҳақида тўлақонли билимга эга бўлган, етук малакали ва замонавий фан-техника имкониятларидан фойдалана оладиган билимли тупроқшунос кадрларни тайёрлашдир.

Республикамида тупроқшунос кадрлар тайёрлашда олий таълим ва илмий-тадқиқот институтларининг ўрни катта хисобланади. Кадрларни тайёрлашда етакчи бош олий таълим муассасаси сифатида Ўзбекистон Миллий университетини эътироф этиш мумкин. Чунки бу даргоҳ ҳозирга қадар нафақат республикамиз учун балки МДХ ва дунёнинг бошқа давлатларига ҳам кадрлар тайёрлаб келган. Шунингдек, вилоятлардаги университетларга таянч олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан кўринадики тупроқшунос кадрлар тайёрлашда ЎзМУ, вилоятлардаги деярли барча университетлар, ТошДАУ ва қишлоқ хўжалик институтлари шуғулланишади. Дастраси даврда тупроқшунослик бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, вақт ўтиши, илмий тадқиқот ишларнинг тараққиёти, айниқса давлатимиз мустақилликга эришиш муносабати билан тупроқшунослик соҳасида магистратурада тадқиқот тури бўйича кадрлар тайёрланиш йўлга кўйилди. Бунда тупроқ генезиси, экологияси, мелиорацияси, бонитровкаси, агрокимёси, ГИС технологияси, кимёси, физикаси, биологияси ва бошқа тор соҳалари бўйича кадрлар тайёрланиб

келинмоқда.

Тупроқшунослик фани соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласида ҳозирги даврнинг устувор вазифаларидан бири талабаларни ўқитиш ва билим беришда таълимнинг янги, замонавий компьютерлаштирилган усулларидан фойдаланиш ва ўқитишнинг янги педагогик технологияларини қўллашни тақозо қиласди. Бунда ўқитишда компьютер, мультимедиа, проектор, видеофильмлар, электрон кўргазмали қуроллар, электрон дарсликлар ва электрон маълумотлар базаси каби воситалардан фойдаланиш талабаларга юқори, тезкор, сифатли, замон талаблари асосида билим бериш, информацион-техник воситалардан фойдалана олиш малакасини ошириш каби катта имкониятларни яратади.

Назорат саволлари

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиш методикаси фани мақсад ва вазифалари хақида маълумот беринг?
2. Тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг хуқуқий-меърий, ўқув меърий хужжатлари хакида нималарни биласиз?
3. Ўқув режа турлари?
4. Бугунги замонавий босқичда тупроқшунос мутахассис тайёрлашнинг долзарб муаммолари нималардан иборат?
5. Тупроқшунослик фани соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласида ҳозирги даврнинг устувор вазифалари нималардан иборат?

2-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар.

РЕЖА:

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида таълим бериш усуллари.
2. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида таълим бериш дастурларини тармоқли шакллари: масофавий ўқитиш, электрон ўқитиш, “e-learning” “blended learning” (аралаш таълим бериш) моделлари.
3. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида таълим бериш дастурларини анаънавий моделлари

Таянч сўзлар: замонавий модел, таълим усуллари, масофавий ўқитиши, электрон ўқитиши, “e-learning” “blended learning”, анаънавий модел.

1. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида қўлланиладиган замонавий моделлар. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш усуллари.

Ўқитиши методлари. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида дидактик методистлар таълим методларини талабаларни билмасликдан билишга бориш йўли, айрим олимлар эса, уларни ўқитувчи ва талаба фаолиятини ўзаро боғловчи методлар, деб қарашади. Таълим методларини ўқув ишлари мажмуи, шунингдек, таълим мазмунни шаклида қараш ғояси ҳам бор. Бу қарашларнинг қай бири асосида таълим методларининг моҳияти, ўқувтарбия жараёнидаги функцияларини батафсилроқ тасаввур этиш мумкин? Дидактикада ҳали ҳам энг мунозарали муаммолардан бири таълим методлари таснифи масаласидир. Уларни таълим манбалари, дидактик вазифалар, мантиқий фикрлаш шаклларига қараб тасниф этиш мойиллиги мавжуд. Таълим методларини тасниф этишда шу йўналишлардан қай бири маъқул? Ёки таълим методларини тасниф этишнинг бошқа мезонлари ҳам мавжудми? Адабиётларда «ўқитиши методлари», «ўқиши методлари» каби терминлар қўлланади. Шундай бўлгач, «таълим методлари» иборасини ишлатишга эҳтиёж борми?

Метод термини юонончадан таржима қилинганда маълум бир мақсадга эришиш йўли, фаолият усули маъноларини англатади. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият усуллари тушунилади. Уларга кўра таълим мазмунини ўзлаштиришга мос фаолият танланади. Ўқитиши методи ўқитиши жараёнида ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини ечишга йўналтирилган таълим берувчи ва таълим олувчининг тартибли бир-бирига боғланган фаолиятини англаатади. Ўқитиши методлари таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиши жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини хамда шу жараёнда талабалар қандай иш харакатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида ўқитиши методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми хисобланади.Faолиятнинг тегишли методларисиз таълимнинг мақсад ва вазифаларини ўқув материалиининг муайян мазмунини талабалар томонидан ўзлаштиришга эришиб бўлмайди. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида **таълим модели** – таълим жараёни тузилмасидир.

Таълим моделлари икки турга ажратилади:

- Анъанавий таълим моделлари

- Ноанъанавий таълим моделлари

Ноанъанавий таълим моделларини қуидагиларга ажратиш мумкин:

- Ҳамкорликда ўрганиш
- Моделлаштириш
- Тадқиқот

Анъанавий дарс муайян муддатга мўлжалланган таълим жараёни бўлиб, кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган мавзуга кириш ёритиш, мухокама қилиш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий таълим методлари:

- маъруза, ҳикоя, тушунтириш, лаборатория, сухбат, машқ, амалий....
- тўрт поғонали методлар киради.

Ноанъанавий таълим методлари:

- Кичик гурухларда ишлаш методи;
- Баҳс мунозара методи;
- Давра сухбати методи;
- Ишбоб ўйин;
- Лойихалаш;
- Йўналтирувчи матн;
- Муаммоли вазият;
- Ақлий хужум;
- Ролли ўйин.

2. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш дастурларини тармоқли шакллари: масофавий ўқитиши, электрон ўқитиши, “e-learning” “blended learning” (аралаш таълим бериш) моделлари. Бугунги кун фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, таълимда назария билан амалиёт бирлиги ҳамда таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви талаблари, талабанинг мустақил фаол ва онгли меҳнатига асосланган, унинг ижодий фаолиятини рағбатлантирадиган, тафаккурини ривожлантирадиган, вақтини тежайдиган, билим олишни ёнгиллаштирадиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этишни тақозо этади. Юртбошимиз такидлаганлариdek: Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, ок кўнгил, бағри кенг халқимиз бунга тўла хақлидир.

Дунё миқиёсида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун улар тажрибаларининг ижобий тарафларини ўрганиш ва албатта дарс жараёнида мавзуларни муаммоли методлардан фойдаланиб ўқитишини таълим тизимиға жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Бунда асосий эътибор янги педагогик технологияларга қаратилиши ҳисобига дарс унумдорлигининг юқори бўлишига эришиш мумкин бўлади. Замонавий таълим жаражнини тубдан ислоҳ қилиниши, таълим олувшининг аудитория ва маъруза юкламалари мустақил ишнинг ҳиссасини ошириш орқали камайтирилишини талаб қиласди.

Бу ҳолда таълимнинг асосий маркази таълим берувшидан таълим

олувшининг мустақил фаолиятига ўтади. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар нисбатини аниқлашда мустақил ишни ташкил этишга эътибор қаратиш зарур бўлади. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари ўқитиш жараёнини ташкил қилиш таълим бериш асоси ҳисобланади. Таълим муассасасида талабалар давом этадиган мустақил таълим олишга тайёр бўлиши керак. Мустақил ишлар шу мақсадга эришишнинг воситаси бўлиб ҳизмат қиласи. Мустақил ўқиши инсоннинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Таълим жараёни талабанинг ўз хохиши билан мустақил билим олишига олиб келмайди, балки таълим оловшининг ўқитувчи томонидан тизимли бошқариладиган фаолияти ҳисобланади. Бундай фаолият тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида малакали мутахассислар тайёрлашда устивор вазифаси ҳисобланади. Берилаётган тупроқшуносликга оид ахборот талаба томонидан билим олишга қизиқиш уйғотсада, зарурат бўлганда фаол қабул қилинади. Ўрганилаётган фаннинг мураккаблик даражаси бир хил бўлган таркиби талабанинг тасаввур қилиш услуби, қабул қилиш мотиви ва қизиқиши бўйича турлича ўзлаштирилиши мумкин. Талабанинг тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида фанга қизиқиши, ўқиши ва илмий фаолияти жараёнида юзага келади. Электрон таълимда тингловчилар мустақил, эркин ва ихтиёрий билим олиш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бевосита алоқа бўлмаганлиги учун талабаларнинг ўзлаштириш даражаси бевосита унинг интеллектуал томонларига боғлиқ, кўргазмалиликнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш яъни эшитиш, кўриш, идрок қилиш, эсда сақлаб қолиш, тучуниш фикрлашда техник жараёнларнинг фаол иштироки ёрдамида эгалланаётган билим моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Тупроқшуносликда аудитория соатларини қисқартиришда таълим берувчи асосий эътиборни талабанинг ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида бажарадиган мустақил ишларига қаратади. Бу иш аудитория машғулотларига тайёргарлик кўриш, алоҳида мавзулар бўйиша топшириқлар ишлаб чиқиш, ёзма назорат ишларини бажариш, жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарликни ўз ишига олади. Аудитория ва мустақил иш яъни жорий назорат, талабанинг умумтаълим билимлари яъни кириш назорати ва берилган фан ўрганилгандан сўнг ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш ўқув жараёни педагогик технологиясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Хозирги кунда blended learning (аралаш таълим, ананавий ва электрон таълим) технологияси ривожланмоқда, натижада ўқув материалининг бир қисми электрон курс шаклида, қолгани эса аудиториядаги машғулот шаклида амалга оширилиши мумкин. Бундай таълим тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида талабалардан ўз ўқув жараёнини бошқаришни, юқори даражада ташкилотчиликни, маълум қобилиятларни, ўқувларни, таълим олиш жараёни натижаларини баҳолашни талаб этади. Бундан ташқари, талаба ўқув материалини ўзлаштириш учун уни мустақил равишда умумлаштириши, бажарилган ўқув ишлари ва топшириқларни бажаришдаги фаолиятини таҳлил қилиши ва баҳолаши керак.

Электрон таълимда тингловчилар мустақил, эркин ва ихтиёрий билим олиш имкониятига эга бўлади; талаба ва тингловчи ўртасидаги алоқа хиссий муносабатлардан ҳоли бўлганлиги учун тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси бевосита унинг интеллектуал томонларига боғлиқ; тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида кўргазмалиликнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш яъни эшитиш, кўриш, идрок қилиш, эсда сақлаб қолиш, тушуниш мушохада қилишда техник жараёнларнинг фаол иштироки ёрдамида эгалланаётган билим моҳиятини чукурроқ англашга ёрдам беради. Электрон таълимда асосий эътиборни ўқув услубий материалларни тайёрлашга қаратилади. Чунки ўқув услубий материалларнинг сифати масофадан ўқитиш сифатининг энг асосий омилларидан биридир.

Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида ўқишиш тартиби қўйидагича: ўқитувчи курс билан таниширади ва топшириқлар беради. Талаба кўрсатилган манбалар билан ишлаб топшириқларни бажаради ва ўқитувчига юборади. Ўқитувчи уни текширади, зарур ҳолда кўрсатмалар беради. Шу тартибда курс мавзулари ўрганилади. Музокара Интернет хизматлари орқали амалга оширилади. Ўқишиш жараёнида талаба электрон дарсликлардан, электрон кутубхона ва форумлардан, видеоконференциялардан, онлайн курсларидан ва Web саҳифалардан фойдаланади. Бу индивидуаллик талабада қизиқиши ўйғотади ва уни ўқитишда фаолликка, ижодий ёндашувга рағбатлантиради. Уларни тўғри ташкил этиш, ўқитиш сифати ва самарасини белгилайди. Шу билан бирга мустақил ўзлаштириладиган материалнинг тушунилиши даражасини даврий равишда баҳолаб бориш керак. Шу сабабли, ўқув фаолиятини бошқариш жараёнининг асосий қисми ўз-ўзини назорат қилиши ҳисобланади ва ўқув материли яхши ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилинади.

Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида билим, ўқув ва малакаларни талабанинг ўзи ўзини баҳолаш усули педагог билан ўзаро алоқанинг камайиши хисобига катта ахамият касб этади. Талаба ўқув дастури ўзини қониқтиришига ишонш ҳосил қилиши керак. Агар ўз-ўзини назорат қилиш ўқувлари ишлаб чиқилмаган бўлса, талаба фаолиятидаги хатоларни ўқитувчи тузатиши ва ташқи назоратга ўрганиб қолади. Методик ва тест материаллар мавжуд бўлганда талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиши ва баҳолаши таълимга нисбатан ижобий муносабат шаклланишига самарали таъсир кўрсатади ва у қўйидагиларга имкон яратади:

- талабага ўқув фаолиятини режалаштириш;
- мақсад қўйиш ва ўқишиш муаммоларини ҳал қилиш;
- ўқув материалини тизимлаш;
- асосий ғояларни ва иккинчи даражалилардан асосийсини ажратиш;
- натижаларни баҳолаш, тест ўтказиш ва ахборотларни қиёслаш орқали ўқув фаолиятининг барша босқишлиарида натижаларни баҳолаш ва ўзини баҳолаш.

Республикамизда тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида олиб борилаётган ислоҳотлар ўқитиш ишларини жаҳон андозаларига

мослаштиришни ва энг самарали усулларга асосланишни тақоза этмоқда. Электрон таълим жараёнини ташкиллаштириш хозирги замон талабидир. Шунинг учун blended learning (аралаш таълим, анъанавий ва электрон таълим) асосида таълим тизими ташкил этишни йўлга қўйиш таълим самарадорлигини оширишга олиб келиши шубҳасиз.

Бизнинг назаримизда, бу борада аралаш таълим ананавий ва мудул тизимида ўқитишиш ишларини такомиллаштириш, оммалаштириш, аралаш таълим бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш аралаш таълим миллий моделини яратилишига имкон яратади. Blended learning (Аралаш ўқитиши) замонавий таълимнинг нисбатан янги, бироқ, тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Blended learning (Аралаш ўқитиши) онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигига гурухда таълим олишга асосланган ўқитишиш шаклидир.

Тупроқшунослик фанини ўқитишиш жараёнида ушбу шаклдаги ўқитишиш жараёнида талаба мустақил таълим олади, аммо айни вақтда унга гурух ва ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади. Гурухли машғулотлар давомида аралаш ўқитиши, blended learningнинг қўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўқув материалларини ўзлаштириш борасида ўзида рўй берадиган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб боради, ўтилган материалларни тақрорлайди ва янги мавзуни ўрганишга тайёрланади. Blended learning (Аралаш ўқитиши) кўп ҳолатларда топшириқларга таянади ва асосий, муҳим маълумотлар негизида ташкил этилади, қўшимша материаллар эса талабага онлайн платформа орқали узатиб берилади.

Тупроқшунослик фанини ўқитишиш жараёнида талаба мустақил таълим олар экан, гурухнинг бошқа аъзолари билан онлайн режимда ташкил этилаётган муҳокамада иштирок этиш орқали ҳамкорлик қиласади. Аудиторияда ва онлайн режимда ташкил этилаётган машғулотлар вақт микдори бўйича ўзаро мос келиши турлича ўзгариб туриши мумкин. Таълимнинг турли босқишиларида масофавий ва мустақил таълим самарали равишда қориштириб юборилади. Аралаш таълимда ўқитувчи раҳбарлигига ташкил этиладиган машғулотлар учун соатлар ҳажми камайтирилади деган фараз нотўғридир.

Blended learning (Аралаш ўқитиши) нинг муваффақияти таълим воситаларининг тўғри танланиши билан белгиланади. Бу таълим шаклининг афзаллиги шундаки, талабанинг ўзи ўқув материалини ўзлаштириш тезлиги ва таълим жараёнининг интенсивлигини ўзи белгилайди.

Аралаш ўқитишиш ўзида қуйидаги Евropa таълими моделларини жамлайди:

- Масофавий таълим (distance learning).
- Аудитория таълими (face-to face learning).
- Интернет таълими (online learning).
- Узлуксиз таълим (lifelong learning)

Бу шаклдаги таълим қуйидаги шахслар учун ниҳоятда ахамиятлидир:

➤ иш вақти қатъий тартибга солинмаган соҳаларнинг ходимлари;

- ишлаб шиқариш ажралмаган ҳолда таълим олишлари лозим бўлган корхона, ташкилот ва фирмаларнинг ходимлари;
- жонли мулоқотга асосланган таълим муҳитида ўқишни хоҳловчи шахслар учун.

Аралаш таълимнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгарувшан хисобланади. Айни вақтда хорижий мамлакатларда аралаш таълимнинг ўндан ортиқ шакллари мавжуд. Ўқитиши амалиётида аралаш таълим ўз ўлчам (кўрсаткич)ларига эга:

- ✓ малакали кадрлар гурухининг шакллантирилганлиги;
- ✓ маҳорат дарсларига асосланган таълим;
- ✓ юқори даражадаги ютуқлари кафолатловчи муҳит;
- ✓ талабаларнинг ўз шахсий таълими ютуқлари учун жавобгарлиги.

ОТМда Blended learning (Аралаш ўқитиши) қуйидагиларга асосланади:

- Онлайн маъруза машғулотлари.
- Онлайн амалий машғулотлар.
- Интернет тармоғида мухокама қилинадиган лойиҳа ва гурух ишлари.
- Онлайн режимда ташкил этиладиган лаборатория машғулотлари.
- Онлайн режимда мустақил топшириладиган тест.
- Онлайн режимда ташкил этиладиган маслаҳат.

Барчамизга маълумки тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим жараёнини ривожлантиришнинг хозирги боскичи ахборот коммуникация технологияларининг устунлиги билан белгиланади, бу албатта анъанавий ёндашувларнинг шакллари ва усулларини жадаллаштириш имконини беради. Замонавий ахборот технологиялари инсонларнинг интеллектуал фаолияти ва мулоқотини қайта тиклайди. Олий таълим тизимининг асосий мақсади – барча соҳада етук мутахассис шахсларни тайёрлаш, уларнинг ижодий, руҳий ва жисмоний қобилияtlарини ривожлантириш ҳамда ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам фаол фуқароларни тарбиялашдир.

Хулоса қилиб айтганда тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим тарбия жараёнида интерфаол педагогик технологиялардан узлуксизлик ва узвийлик тамойили асосида фойдаланишга катта эътибор берилмокда, шунки таълимнинг интерфаол тури олий таълим жараёнида мустақил тафаккур ҳамда тезкор фаолиятни таркиб топтиришга хизмат килади. Таълимнинг интерфаол усулларининг хар бир боскишида талабанинг ўзига хос психологик ҳусусиятлари, тафаккур тарзини хисобга олган ҳолда фойдаланиш, аниқ бир талабалар аудиториясининг ўзига хос жиҳатларини хисобга олиш ўқитувчидан катта педагогик маҳоратни талаб қиласди. Бу холатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган таълим ва тарбия жараёнларини ташкилий хужжатларини, шунингдек улар асосида ишлаб чиқиладиган локал хужжатларни хар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда таҳлил этишнинг долзарблигидан далолат беради.

3. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида таълим бериш

дастурларини анаънавий моделлари.

Маъруза – катта хажмдаги ўқув материалини нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу методнинг асосий вазифаси – таълим бериш, ўргатиш. Белгилари:

- қатъий тузилмага эга;
- нутқий-мантиқий баён қилиш;
- берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар ўқитувчиларга талабалар тажрибасизлик туфайли эътибор бермайдиган фаннинг муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида ушбу фаолиятини ташкил этишнинг самарали шартлари қуидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшилтириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиши (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар-машғулотлари ва амалий машғулотлар билан кўшиб олиб бориш. Маъруза методидан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилади.

Маъруза методининг афзалликлари:

- аниқ илмий билимларга таянади;
- вақтдан унумли фойдаланилади;
- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳикоя – унча катта бўлмаган, таърифловчи характерга эга бўлган ўқув материалини монологик ҳикоя қилувчи, хабар берувчи баён.

Тушунтириш – баён қилинаётган турли ҳолатларни таҳлил қилиш, тушунтириш изоҳ бериш ва исботлаш ёрдамида ўқув материалини баён қилиш.

Тўрт поғонали метод – амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғонаси дорасида кечадиган методдир. Бу метод қуидаги босқичлардан иборат:

- Тушунтириш;
- Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;
- Кўрсатилган тарзда қайтариш;
- Машқ қилиш.

Тўрт поғонали методнинг асосий белгиси – талабаларнинг харакатлари ўқитувчи кўрсатиб берган харакатлар доираси билан чекланганлигидир.

Лаборатория усули – бу усулда таълим олувчи таълим берувчи раҳбарлигига олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказади ёки

амалий вазифаларни бажаради ва шу жараёнда янги билимларни англайди, тушуниб етади.

Машқ – ўқитиш услуги бўлиб, ўтилган материални амалиётда қўллаш мақсадида, режа билан ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир.

Суҳбат – ўқитиш ва ўқишининг диалогик, савол жавоб усули.

Мунозара – фаол таълим услуги бўлиб, мухокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

Ақлий ҳужум (брейнсторминг) – ғояларни генерация қилиш усули бўлиб, бунда қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга харакат қиласидилар, уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация қиласидилар).

Намойиш – таълим олувчиларни табиий ҳолатда ходисалар, жараёнлар, обьектлар билан кўргазмали таништиришга қаратилган. Бу метод таълим берувчи томонидан баён қилинаётган илмий, назарий билимларни таълим олувчилар томонидан пухта ўзлаштириш учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир обьектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон берувчи методдир.

Иллюстрация – ҳодиса, нарса жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, яssi моделлар ёрдамида қўрсатиш ва қабул қилишни кўзлади.

Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитафон, мультимедия, электрон китоб, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютердан фойдаланилади.

Китоб билан ишлиш методи китоб устида ишлиш, олинган билимларни хотирада қайта тикилаш, билимларни сақлашга қаратилган методдир. Китоб билан ишлишнинг инсерт методи таълим олувчига янги ахборотни номаълум ёки тушунарсиз, ёки эътиroz билдириш лозим бўлганларга ажратиб, баҳолаш имконини беради. Ўқиши жараёнида ўқув материалининг ҳар бир сатр боши ёки қисмининг мазмуни баҳоланиб, хулоса варақнинг чап томонига қалам билан маҳсус белги қўйиб борилади.

Инсерт – самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгиларнинг интерактив тизим.

Технологик харита - жараённинг қадамма-қадам, боқичма-боқич, изчиллик билан кўпинча график усулда қўлланиладиган воситаларни кўрсатиб берган ҳолда тасвирлаш.

Таълим – тарбия жараёнининг сифат самарадорлигини ошириш кўп жихатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлик билан боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари олти турга бўлинади:

- Матнли воситалар
- Тасвирили воситалар
- Аудио воситалар
- Моделли воситалар

- Ёрдамчи жиҳоз воситалар
- Реал воситалар

Матнли-маълумот олиш ва маълумотни қайта ишлаш учун:

- Ўқув дастурлари
- Махсус адабиёт
- Тарқатма материал
- Имтҳон ва назорат вараклари

Тасвирли – умумий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Фотосуратлар
- Эскиз чизма, схемалар
- Рамзий тасвирлар, режа жадваллар, символлар
- Диаграмма ва графиклар

Аудио – жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввурларни вужудга келтириш:

- Видео фильмлар
- Компакт дисклар
- Аудиокассеталар

Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш учун ёрдамчи жиҳозлар:

- Доскалар (оқ доска, магнит доскаси);
- Пинборд доскаси;
- Видео проектор, видеопроектор доскаси;
- Кодоскоп;
- Видеомагнитафон, камера;
- Компьютер;
- Флипчарт.

Моделли – ўрганилаётган объектнинг модели орқали у хақида тасаввур ҳосил қилиш:

- Моделлар
- Макетлар

Реал – ўрганилаётган объектлар хақида тасаввурни вужудга келтириш:

- Асбоб ускуналар
- Станоклар
- Ярим тайёр маҳсулотлар

Таълим методлари ҳам ўқув материали мазмунига, бинобарин, ўқувчиларнинг маълумоти, тараққиёти, тарбиясига, шунингдек, ўқитиш, ўқиши фаолиятларининг бир-бирига киришуви ва шу асосда ўзаро таъсирнинг юзага

чиқишига йўналган. Таълим методи воситасида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Таълим методи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълумот мазмунига йўналган фаолиятини тартибга солиш йўлидир.

Назорат саволлар

1. Амалий ўйинларнинг замонавий таълим учун аҳамияти қандай?
2. Амалий ўйинларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Муаммоли ўқитиши қандай шартлар асосида самарали ташкил этилаи?
4. Интерфаол таълим қандай вазифаларни амалга оширади?
5. Модулли-кредит тизимининг моҳияти нимадан иборат?
6. Масофали ўқитиши қанай тамойилларга асосланади?
7. Blended learning (аралаш ўқитиши) қандай ташкилий-дидактик имкониятга эга?
8. Маҳорат дарслари нима ва улар қандан ташкил этилаи?
9. “Кейс-стади” методининг таълимий аҳамияти нимада кўринаи?
10. “Ассесмент” синовининг таълим амалиётида тобора оммалашиб бораётганлигининг сабабли нимада?

З-мавзу. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари

РЕЖА:

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари.
2. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини таълим ташкиллаштиришининг асосий шакллари.
3. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида фойдаланиладиган воситалар: ахборот коммуникация коммуникация технологиялари, маҳсус дастурний таъминотлар, электрон манбалар, таълим платформалари.


Таянч сўзлар: лойихалаштириш, режалаштириш, маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари, ахборот коммуникация коммуникация технологиялари, маҳсус дастурний таъминот, электрон манба, таълим платформа.

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари.

Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихаларини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда таълим жараёнида талабалар томонидан ҳам турли ўқув лойихаларнинг тайёрланишига эътибор қаратилмоқда. Хўш, ўқув лойихасининг ўзи нима? Ўқув лойихаларини тайёрлаш жараёни қандай кечади?

1. Шахсий компьютер (у Интернетга уланган бўлиши лозим).
2. Веб-камера (компьютерга уланган ёки автоном).
3. Гарнитура (микрофон ёки овозни қабул қилувчи мослама – қулқочин, овозли кранай (колонка)).
4. Эхони бартараф этадиган мослама (иштирокчилардан кимнидир компьютеридаги карнай микрофон олдида бўлиб қолса, у ҳолда бошқаларнинг овози микрофонга “тушиб қолади” ва бу эхо ҳосил қиласди).
5. Дастурий таъминот (шахсий компьютерларда Adobe Flash Player плагинининг сўнгги модели, шунингдек, веб-браузер (Mozilla Firefox, Google Chrome) ўрнатилиши зарур)
 - машғулотнинг номи;
 - вебинар машғулотни олиб борувчи ҳақида маълумот;
 - машғулот санаси, бошланиш вақти ва давомийлиги;
 - машғулот мақсади ва вазифалари;
 - вебинарнинг таркибий тузилмаси ва мазмуни (бўлимлар бўйича) ҳақида кисқача маълумот;
 - кутилаётган натижалар


Лойиха таълими технологияларидан ўқув амалиётида фойдаланишида “ўқув лойихавий фаолият” тушунчаси ҳам қўлланилади. Ўқув лойихавий фаолият – ўқув мақсадига эришиш ёки муаммо, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўлида талабалар томонидан изчил амалга ошириладиган ҳаракатлари мажмуаси саналади. Талабаларнинг ўқув лойихавий фаолияти муайян босқичларда ташкил этилади. Улар қуидагилардир



Талабалар томонидан жуфтлик, кичик гурӯҳлар ёки жамоа асосида турли мавзуларда ўқув лойихаларини тайёрлаш қуидаги босқичларда кечади



Ўқув лойиҳалари фаолият мазмуни, билим соҳаси (фанлар) бўйича тайёрланишига кўра қуидагида турланади.



Хар бир ўқув лойиҳаси ўз мақсади ва қутиладиган натижасига кўра муайян турга мансуб бўлади. Ўқув лойиҳаларининг асосий турлари қуидагилардир.

Ўқув лойиҳалари турларининг моҳияти

Ахборотли лойиҳалар	Тадқиқот лойиҳалари	Амалий лойиҳалар
Мақсади		
Муаммога оид маълумотларни тўплаш, уларни таҳдил қилиш, умумлаштириш, мөхиятини ёритиш, муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини тавсифлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш	Тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммо изоҳини асослаш, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш	Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш
Натижаси		
Мақола, реферат, маъruzza, кейс ва б.	Ҳисбот, маъruzza, кейс ва б.	Ҳаракатлар дастури, бизнес-режа, кейс, стратегия, тавсия, маълумотнома тўплами ва б.

Ўқув лойиҳалари муайян топшириқ бўлиб, унинг натижаси оддий бир маҳсулотни тайёрлаш (м: технологик харитани тайёрлаш, бирор-бирор модел, дейлик, дизайнерлик моделини яратишдан иборат бўлади. Бироқ, айни ўринда шуни ҳам қайд этиш керак, “войиҳа” тушунчаси негизида ҳамиша ҳам амалий ҳаракатлар натижасиа тайёрланган бирор-бир маҳсулот тушунилмайди. Чунки лойиҳа доирасида назарий, амалий ва методик характердаги ғояларни яратиш негизида маҳсулотни яратишга тўғри келади. Ўқув лойиҳаларини тайёрлашда амалиёт ўқитувчиси муҳим ўрин эгаллайди. Унинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилади. Улар:

- лойиҳа иши учун муайян мавзу, муаммони белгилаш;
- лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқариш;
- лойиҳа ишини ўқув жадвалига киритиши;
- лойиҳа жараёнини моделини аввалдан ишлаб чиқиши, топшириқларни талабаларнинг имкониятларига мослаштириш;
- талабаларни лойиҳа иши билан таништириш; уларнинг амалий фаолиятлари назорат қилиб туриш

Амалиёт ўқитувчиси аввалдан қуидаги материал ва ҳужжатларни тайёрлаб олиши лозим:

- лойиҳа (чизма, электросхема)лар;
- лойиҳага тааллуқли топшириқлар баёни;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадларни ёриувчи маълумотлар

Амалиёт ўқитувчиси таълим жараёнида талабаларнинг фаолиятларини назорат қилиб бориш ва назорат натижаларини “Назорат протоколи” га қайд этади. Протокол талабаларнинг фаолиятини баҳолашга доир мезонларга эга бўлиши лозим.

Тупроқшунослик фанини ўқитишида таълим технологиясини тузилиши ва мазмунли кўрсаткичлари. Ўқув фани бўйича талим технологияси куйидагилардан келиб чиқиб ишлаб чиқилади:

♣ тупроқшунослик ва агрокимё ОЎЮда таълимни технологиялаштириш қоидаси;

♣ фан бўйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва ҳажми;

♣ ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида аниқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

Тупроқшунослик фанини ўқитишида муаммони мустақил ажратиш ва ечиш қобилияти, тадқиқотчилик ва изланувчанлик фаолиятига тайёргарлик, нотаниш ҳолатларда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантириш.

Таълим олувчи: тадқиқотчилик турдаги маҳсулдор фаолиятни амалга оширади таълим беришни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланади, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади ва маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим бериш технологиясига қисқа тавсифлар берилади.

Таълим технологиясининг концептуал асослари. ТТнинг бу қисмида куйидагилар ёритилади:

♣ ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзулар бўйича тақсимоти, иш турлари;

♣ ўқув фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;

♣ ўқув машғулотларида таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концептуал ҳолатлари - таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари.

2. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакллари.

Маъруза, амалий ва семинар машғулотларига лойиҳаланган таълим технологияси. Ҳар бир таълимий технология таълим технологияси, таълимнинг технология харитаси, технология харитасига иловалардан иборат бўлади.

Ўқув фани бўйича ўқитиши режасининг тузилиши ва мазмунли таркиби Аниқ фан ва мавзу бўйича машғулотнинг таълим модели жадвал кўринишида бўлиб, унда куйидагилар кўрсатилади:

- дастлабки маълумотлар: ўкув мавзуси, вақти, талабалар сони;
- шакл (маъруза, семинар ва бошқ.) ва кўриниши (масалан, муаммоли маъруза ва бош.), ўкув машғулоти режаси/тузилиши, унинг мақсади, ўкув фаолиятининг кўзлананаётган натижалари, педагогик вазифалари;
- таълим таълим модели: усуллар, шакллар ва ўқитиш воситалари;
- таълим бериш шароити: махсус жиҳозланган, гурухли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар;
- мониторинг ва баҳолашга асосланган қайтар алоқанинг йўл ва воситалари: назорат тури (ёзма ва оғзаки), назорат шакли (тезкор-сўров, тест олиш, тақдимот, ўкув топшириқлари ва бошқ.).

Ўкув машғулотининг технология харитаси уч қаторни ўз ичига олиб, жадвал кўринишида бажарилади:

- (1) ўкув машғулоти босқичлари ва вақти;
- (2) таълим берувчи фаолияти;
- (3) таълим оловучи фаолияти.

Ўкув жараёнининг ташкилий - дидактик вазифасини бажаради: ўкув/мустакил иш учун савол ва топшириқларни, уни баҳолаш мезонларини, ўкув иш жараёнида талабалар амал қилиши лозим бўлган қоидалар, таълим берувчи фойдаланадиган таянч ёзмалар, шунингдек чизма, жадвал, слайдлар ва бошқа кўргазмали материаллар, режалаштирилган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун топшириқлар (тестлар, саволлар, топшириқлар ва машқлар). Бу ерда тақдим этилаётган материаллар чегараланмайди. Факат улар катта ҳажмли, яхши тузилмага келтирилган ва графикли чизмаларда расмийлаштирилган бўлиши керак.

Оғзаки баён методлари. Ҳикоя, сұхбат, маъруза таълимнинг билимларни оғзаки баён қилиш методлари саналади. Бу методлар эвристик сұхбатни ҳисобга олмаганды, асосан, ўкувчиларнинг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўкувчилар тинглайди.

Ҳикоя. Ҳикоянинг бир неча тури мавжуд: кириш ҳикояси- ўкув материалини ўрганишга болаларни тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Кириш ҳикояси бадиий асарлар билан таништириш, янги мавзуга оид омилларни эслаш, уларни дастлабки таҳлил этиш билан даҳлдор методдир; баён шаклидаги ҳикоя- янги ўкув материалини бевосита идрок этиш билан алоқадор методи саналади. Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўкув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди; якунловчи ҳикоя-ундан дарснинг охирида ўрганилган мавзуга якун ясашиб мақсадида фойдаланилади.

Маъруза. Маъруза- ўрта умумтаълим мактабларининг юқори

синфларида, колледжларда, олий ўкув юртларда фойдаланиладиган таълим методи бўлиб, унда ўзаро таъсири ўқитувчининг баёни ва болаларнинг тинглаши, айрим омиллар, асосий гоя ва боғланишларни ёзиб олиш шаклида амал қиласди. Маъруза учун вақт ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўкув материали хажмига кўра белгиланади. Маъруза жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ўз нутқини кўргазмали қурол, муаммо ва топшириқлар билан уйғунлаштиради. Ўкув материалига оид ибораларга изоҳ бериш, айрим ўринларда ўқувчиларнинг ўзларига хуласа чиқаришни таклиф этиш Ўқувчиларнинг ўкув-билув фаолиятининг самарасини оширади. Маърузада эшитилган мазмунни информатика фанларида амалий машғулот ва лаборатория машғулотларида янада мазмунан тўлдирилади. Бу эса Ўқувчиларни амалиётга тайёрлашда янада яхши самара беради.

Суҳбат. Суҳбат-ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири, диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади.

Кўргазмалилик методи. Кўргазмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. **Муаммоли изланиш методлари.** Муаммоли изланиш туридаги методлар ўқувчиларнинг тафаккурига, бинобарин, уларнинг ижодий фаолиятига йўналган таълим методидир. Бу методлар асосида ўкув-тарбия ишлари ташкил этилганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсири қуидагича умумий кўринишга эга бўлади. Муаммоли изланиш методлари ҳам мактаб тажрибасида соф ҳолда кўлланилмайди. Муаммоларни қўйиш, уларни изоҳлашда суҳбат, хикоядан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, маъруза ўқиб турган пайтда турли ўкув топшириқлари, муаммолар ҳам ҳал этилади. Кўргазмали қуроллар воситасида ўқучиларга экспериментал (синов) топшириқлар берилади. Ана шуларга кўра муаммоли-изланиш методларининг қуидаги турлари фарқланади. Муаммоли ҳикоя ўрганилаётган мавзу доирасида ҳикоя бошида, ҳикоя давомида, ҳикоя охирида болалар олдига муаммолар қўйиб, уларнинг мавзуга қизиқишлиарни ошириш йўлидир.

Муаммоли маъруза: маърузадан олдин ўқувчиларни мавзуга қизиқтириш мақсадида ёки маъруза охирида ўқувчилар олдига муаммолар қўйиш йўли билан таълим мақсадига эришишдир.

Мустақил ишлар методлари. Мустақил ишлар таълимнинг барча босқичларида ўтказиладиган, ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, аммо унинг кўрсатмалари, раҳбарлигига бажариладиган интеллектуал ва амалий

топшириқлардир. Ҳозирги пайтда мустақил ишларнинг қуидаги турларидан фойдаланилади. Дарслиқдаги қоидалар ва таърифлар устида мустақил ишлаш: дарслиқдаги қоида ва таърифни ўқиш ва уларга оид омилларни ажратиш; ўқитувчи топшириғига кўра тўпланган омилларни таҳлил этиш ва хулоса чиқариш; дарсликнинг айрим саҳифаларини танлаб ўқиш ва шу билимлардан амалиётда фойдаланиш йўллари тўғрисида қисқача ҳисбот тайёрлаш; қоида, таърифларни мантиқий қисмларга ажратиш ва терминларга қўшимча адабиётлардан ўрганилган мавзу доирасида материал тўплаш; маъруза, ҳикоя, сухбат пайтида ўқитувчи чиқарган хулосаларни дарслиқдаги қоида, таърифларни солиштириш. Дарслиқдаги амалий материаллар устида мустақил ишлаш: дарслиқдаги машқ, мисол ва масалалар варианtlарни ўзаро мусобақалашиб бажариш; дарслиқдаги амалий материаллар асосида турли диаграмма, жадвал, чизмалар тайёрлаш; лабаратория машғулотларини ўtkазиш режасини тузиш.

Дидактик ўйин методи. Кейинги йилларда илғор ўқитувчилар тажрибасида дидактик ўйинлардан таълим методлари сифатида фойдаланиш одат тусини олиб бормоқда. Дидактик ўйинларнинг самарадорлиги шундаки, улар воситасида ўқув-тарбия ишлари ҳаётга яқинлаштирилади, шунингдек, уларнинг ҳар бирида билимларни оғзаки баён этиш, кўргазмали, амалий методларнинг элементлари қўлланилади. Шу хусусиятларига кўра дидактик ўйинлар синтетик характерга эга. Уларнинг қуидагича турлари мавжуд: Симулятив ўйин-таълимни ҳаётда бўлиб ўтган ижтимоий воқеаларга тенглаштириш, уларни қиёсий тарзда ташкил этиш ва бошқариш методидир. Симулятив ўйинларнинг бир кўриниши инсенировка (ролларга ажратиб ўқиш) методидир. Ситуатив ўйинлар ҳам аста-секин мактаб тажрибасида ўз ўрнини олиб бормоқда.

Амалий методлар. Таълимнинг амалий методларида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири ўқучилар олдига қўйиладиган топшириқлар ҳамда уларни қабул қилиш шаклида амал қиласди. Амалий методларнинг энг қадими тури машқдир. Машқ-ўрганилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ этиш йўлидир. Машқ воситасида турли малакалар-интеллектуал ва ақлий, хусусий (масалан, математика бўйича) ва умумий (масалан, барча ўқув фанларига оид) малакалар таркиб топтирилади.

Ўқитиш методлари. Ўқитиш методи (грекча методос – бирор нарсага йўл сўзидан) – бу таълим ва тарбия воситаси сифатидаги ўқитиш мақсадларига эришишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бири билан боғланган фаолиятининг тартибланган методларидир. Ўқитишнинг қизиқтирувчи методлари. Ўқувчиларни замонавий «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг баъзи бир умумий ғоялари билан таништириш,

амалиётдаги татбиқини ва компьютерларнинг замонавий ҳаётдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат. Лекин, дидактик тамойилларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларга нафақат фактларнинг қатъий илмий баёнини бериш, балки ўқитишнинг турли қизиқарли методларини ҳам қўллаш лозим.

3. Тупроқшунослик фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган воситалар: ахборот коммуникация коммуникация технологиялари, маҳсус дастурий таъминотлар, электрон манбалар, таълим платформалари.

Электрон ахборот таълим ресурслари таълим сифатини таъминлашнинг омили, Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишинг мақсадлари ва вазифалари. Таълимда ахборот ва ахборот-фаол моделларни ҳаётга татбиқ этишда ахборот ва компьютер технологиялари ўрни. Талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиришда ахборот ва компьютер технологиялари. Электрон таълим ресурлари таҳлили Ахборот тизимлари. Ахборот тизимларини ва технологияларини бошқариш. Интерфаол хизматлар. Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари. Вебга йўналтирилган ахборот тизимлари. Олий таълим тизимида онлайн очик курслардан фойдаланиш хусусиятлари.

Электрон ахборот таълим ресурслари таълим сифатини таъминлашнинг омили сифатида. Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда таълим соҳасида ахборот ресурсларини ташкил этиш ва таълимда фойдаланишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ– 1740-сон қарори таълим соҳасида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади. Таълим тизимига электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишига боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан электрон таълимни жорий этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлаб чиқиши, уни амалиётга жорий этиш, ўқиши, мустақил билим олишни

индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида электрон таълимдан фойдаланган ҳолда талабалар ўқишини жадаллаштириш ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Ўқув жараёнини электрон таълим асосида ташкил этиш, шу жумладан, ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадга эришишдаги энг самарали йўл ҳисобланади.

Таълим тизимида электрон ахборот таълим технологияларини татбиқ этиш, такомиллаштиришдаги асосий вазифалари ва муаммолар Таълим тизимида электрон ахборот таълим технологияларини татбиқ этиш, таълим муассасаларининг моддий техник базасини ҳолатини танқидий баҳолаш ва такомиллаштиришдаги асосий вазифалар қуидагилардан иборат:

- электрон таълимни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун лозим моддий-техника базасини яратиш;
- ўқув жараёни учун электрон таълимга мўлжалланган таълим технологияларини яратиш ва кўллаш;
- талабаларни замонавий электрон таълим технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларини шакллантириш;
- электрон таълимни жорий этиш орқали таълим тарбия ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Электрон ахборот ресурслари таълимга оид ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуудан иборат бўлиб, у таълимга оид турли ахборотларнинг яратилишини белгиловчи ички ва ташқи омилларга боғлик:

- ички омиллар — бу ахборотларнинг яратилиши, турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳ.к.
- ташқи омиллар — бу электрон таълимнинг техника-ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Электрон таълимдан фойдаланиш эса, улар билан мулоқотда фойдаланувчиларнинг қўникма ва малакаларига боғлик. Шунинг учун, дастлаб замонавий телекоммуникация воситаларининг ўзи нималигини билиб олиш муҳим саналади. Замонавий телекоммуникация воситалари имкониятлари жуда кенг тизим бўлиб, унга маълум бўлган компьютер, мультимедиа воситалари, компьютер тармоқлари, Интернет каби тушунчалардан ташқари қатор янги тушунчалар ҳам киради. Буларга ахборот

тизимлари, ахборот тизимларини бошқариш, ахборотларни узатиш тизимлари, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими, билимлар омбори кабилар мисол бўлиши мумкин. “XXI аср - ахборотлаштириш асри”да таълим соҳасига электрон таълимни жорий этиш, ҳар бир таълим муассасасида:

- ўқитиш ва ўқиши жараёнининг;
- таълим муассасаси бошқарилишининг;
- таълим муассасаси бўлинмаларининг;
- таълим муассасаси фаолияти муҳитининг ахборотлаштирилишини талаб қиласиди.

Таълим муассасида электрон таълим муҳитини ташкил этиш босқичлари психологияк ахборот муҳитини яратишдан бошланади. Технологик ва илмий натижалар, яратилган дастурий маҳсулотлар асосида замонавий воситалар ва методлардан фойдаланишга эҳтиёж шакллантирилади. Бунда ҳар бир таълим муассасида индивидуал ва маслаҳат машғулотлар асосида педагогларни мустақил ва компьютер таълими тизимини ташкил этиш керак.

Республикамизда бошқа илғор мамлакатлар қатори замонавий ахборот технологияларидан таълимда фаол фойдаланишга киришилди. Лекин, электрон таълимни жорий этишда қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, у қуйидагилардир:

- электрон таълимни жорий этишга педагогик жамоаларнинг етарли тайёр эмаслиги;
- электрон таълим имкониятлари ҳақида тасаввурларнинг озлиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг камлиги;
- электрон таълимда фойдаланиладиган компьютер технологиялари воситаларининг қимматлиги;
- электрон таълим бўйича мутахассисларнинг этишмаслиги.

Электрон таълимни жорий этиш кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбиғига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларини самарали фойдаланиш ва қайта ишлаш амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, электрон таълим масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қиласиди. Электрон таълим жараённада таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш амалга оширилади

Ахборот тизимлари. Ахборот тизимларини ва технологияларини бошқариш. Бугунги кунда тараққиёт жуда тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда.


Ҳар бир кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ахборот оқими бизни уйда, ишхона ва таътилда таъқиб этади. Инсон информация таъсиридан холи нормал фаолият юрита олмайды. Ҳаётни англаш, уни ўрганиш информацияларни йиғиши ва ўзлаштириш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичидаги шахс томонидан ўзлаштирилган информацияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади.

«Тизим» деганда бир вақтнинг ўзида ҳам ягона яхлит деб қараладиган ҳар қандай обьект, ҳам қўйилган мақсадларга эриши манфаатларида бирлаштирилган турли элементлар мажмуи тушунилади. Маълумки, бугунги кунда кўплаб турли хил тизимлар яратилган бўлиб, улар ўз таркиби ва бош мақсадлари бўйича бир-биридан фарқланади. Масалан, қуидаги жадвалда бир неча тизимларга намуналар келтирилган.

«Тизим» тушунчаси кенг тарқалган ва жуда кўплаб маъноларда қўлланилади. Ахборот тизимларига нисбатан қўлланилганда аксарият ҳолларда техник воситалар ва дастурлар тўплами назарда тутилади. Компьютернинг фақат аппарат қисмини тизим деб аташ мумкин. Муайян амалий вазифаларни бажариш учун хужжатларни юритиш ва ҳисобкитобларни бошқариш жараёнлари билан тўлдирилган кўплаб дастурларни ҳам тизим деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар бир тизим тўрт асосий қисмдан иборат:

- киритиш;
- ишлов бериш;
- чиқариш;
- тескари алоқа.



Ахборот тизимининг мақсади – муайян профессионал фаолият билан боғлиқ бўлган профессионал ахборот ишлаб чиқариш. Ахборот тизимлари ҳар қандай соҳадаги вазифаларни ҳал қилиш жараёнида зарур бўладиган ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, чиқариб беришни таъминлайди.

Ахборот тизими – қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

Бошқариш - деб объектнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиш ёки маълум бир мақсадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функциясига айтилади.

ZiyoNet портали ZiyoNet ахборот таълим тармоғи ёшларни, мураббийларни, шунингдек аҳолининг турли қатламини керакли ахборот билан та'минлаш, АТ соҳасида керакли ма'lумотларни бериш, мулоқат қилиш ва тажриба алмашинишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришни Ўз зиммасига олади. Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди. Ваҳоланки, таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардан фойдаланиш ўқитиши кўлланилмоқда. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоқи ишдан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин. Ўқув муассасалари учун яратилган сайтларнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиши муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқиши бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топширикларни, тестларни бажаришига қараб аниқланади. Ўқувчи берилган программани қанчалик тез ўзлаштираса, шунчалик тез ўқиши тутатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқиши давом эттиришга имконият берилади.

Ўқув муассасалари учун яратилган сайтлардаги берилган материаллари асосан қуидагилардан иборат бўлади:

- Дарслик
- Аудио ва видео дарсликлар
- Онлайн дарслар (Интернет сашифа)
- Электрон кутубхоналар
- Тестлар
- Мультимедиа - электрон дарсликлар

Республикамиз Олий ва Ўрта Махсус билим юртларида ўқув муассасалари учун яратилган сайтлар каталоглаштириш, республика таълим муассасаларида тайёрланаётган электрон ўқув адабиётларини барча таълим муассасалари орасида тарғиб қилиш муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу масалани ижобий ечимини топиш ҳамда таълим муассасалари учун яратилган электрон ўқув ресурслари ва таълим муассасалари сайтларини таълим жараёнига татбиқ этишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ташкил қилинган www.ziynet.uz ахборот-

таълим портали ишга тутирилди ва бу порталда барча ZiyoNet жамоат ахборот таълим тармоғи 2005 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги 2005 йил 28 сентябрдаги 191-сонли қарорига мувоғиқ ташкил топган. ZiyoNet тармоғининг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ҳамда таълим олувчиларни билим олиш жараёнида ахборот-коммуникация ҳизматларини кўрсатишдан иборат. Фойдаланувчилар ID.UZ тизимидан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга ZiyoNet портали Ўз имкониятларини намоён қилишлари учун барча шароитларни яратиб беради.

Жумладан:

1. ZiyoNet порталининг кутубхонасига ахборот - таълимий маълумотларни жойлаштириш;
2. Учинчи даражали «zn.uz» доменида сайт-сателитларни яратиш;
3. ZiyoNet порталининг ёпиқ бўлимларига кириш ва у эрдан маълумот олиш;
4. ZiyoNet ахборот ресурс тармоғининг турли танловларида қатнашиш.

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Ўкув муассасасида электрон таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар, электрон таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили, LMS асосий функциялари, LMS таҳлили, Масофавий ўқитиши ва уни ташкил қилиш асослари, масофали таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи дастурий мажмуаалар LMS ларнинг функциялари. Web-хостинг хизмати, технологик майдон, Веб-хостинг хизмати, домен. ОТМ таълим сифатини оширишда симуляторларнинг ўрни. Виртуал лаборатория ишлари, электрон таълим муҳтитда лаборатория ишларини ташкиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечими, симуляторлар, педагогик дастурий воситалар, аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лаборатория ишларини яратиш. Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда таълим соҳасида ахборот ресурсларини ташкил этиш ва таълимда фойдаланишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ-1740-сон қарори таълим соҳасида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини

жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади. Таълим тизимига электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан электрон таълимни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг диққат марказидан ўрин олган.

Таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлаб чиқиши, уни амалиётга жорий этиши, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида электрон таълимдан фойдаланган ҳолда талабалар ўқишини жадаллаштириш ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Ўкув жараёнини электрон таълим асосида ташкил этиш, шу жумладан, ўкув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадга эришишдаги энг самарали йўл ҳисобланади. Internet технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгратириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашинишида намоён бўлди. Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди. Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим 20 жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим мухитини яратишга ҳаракат қиласи.

Хозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим мухитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web мухитига мослашган ҳар ҳил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фонdlар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар яратилган. Бу ўкув модулимизда масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очик кодли дастурлар мажмуасининг таҳлили келтирилади. Ўкув модулида келтирилган дастурий мажумалар таҳлили қўп йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ёзилган.

Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар Масофавий таълим (МТ) жараёнини ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик талаблари қўп адабиётларда баён қилинган. Хусусан, бу мавзуга оид. Таҳлил қилинган адабиётларнинг кўрсатиши, масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг техник ва дастурий талаблари тўлиқ баён қилинмаган. МТ жараёнини амалга оширишда қўйида қўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

1-босқич: Таҳлил

2-босқич: Лойиҳалаштириш

3-босқич: Жорий қилиш

4-босқич: Ўқув контентларини яратиш

5-босқич: Ишга тушириш

6-босқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиш усуллари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга оширилдиган ишлар кўлами ва техник топшириқ лойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмууаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошли ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар эксперталар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни доийми назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнида (хусусан, масофавий таълим жараёнини) қўллаш асосан икки хил кўринишида амалга оширилади.


Биринчи шарти бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчиси шарти эса маҳсус дастурий таъминотлар билан таъминланганлигидир.

1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қўрилмалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳаказо.

2. Дастурий таъминотга: Мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурний таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интеранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди. Электрон таълими – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли қўринишларини англатувчи кенг тушунчадир. Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).



Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида инновацион характерга эга воситалар ҳам қўлланилмоқда. Уларнинг технологик-дидактик имконияти талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини ошириш билан бирга, ўқитиши сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда ҳар бир ОТМда ташкил этилаётган ўқитиши жараёнида компьютер, сканер, видеокўз, видеокамера, проектор, электрон доска, модем, телефон, интернет, мультимедиа, микрофон, карнай (колонка), вебкамера, CD-ROM каби техник воситалар, маълумотлар омбори (базаси) ва вебинар технологиялар каби инновацион характерга эга воситалар самарали қўлланилмоқда. Қуйида уларнинг моҳияти хақида тўхталиб ўтилади.

Компьютер (ингл. “computer” – ҳисоблаш машинаси) – маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисоб-китоб ишларини қатъий белгиланган тартибда амалга оширувчи, шунингдек, рамзий белгиларга асосланган бошқа вазифаларни бажарадиган дастурый электрон қурилма ёки тизим. Қурилма томонидан бажариладиган қатъий белгиланган тартиб дастур деб номланади. Компьютер

куйидаги таркиюй элементлардан ташкил топган: тизим блоки, монитор, клавиатура, сичқонча ҳамда ташқи қурилмалар.

Сканер (ингл. “scanner” (“scan” сўзидан) – синчилаб разм солмоқ, синчиқлаб қарамоқ) – қандайdir объект (одатда тасвир, матн) ни таҳлил қилиш асосида объект тасвири (матни)нинг рақамли нусхасини ҳосил қиласиган қурилма. Нусха олиш жараёни сканерлаш деб номланади.

Видеокўз – эшик олди (остона)аги вазиятни телевизор ёки видеомонитор экранидан масофавий кузатишга мўлжалланган замонавий электрон қурилма. Ташқи томонан видеокўз оддий “эшиккўзи” дан ҳеч қанай фарқ қилмайди, шу сабабли диққатни ўзига тортмайди. Видеокўзниңг мухим жиҳати агар у ўрнатилса, уй, бино ичида шахсларниңг эшик олида ким турганлигини билиш учун албатта оstonага келиши талаб этилмайди.

Видеокамера – телевизон узатиш камераси ва видео ёзувни амалга оширадиган қурилманиңг ўзаро қоришимаси бўлиб, у дастлаб “телевизон камера”, “телекамера” тарзида қўлланилган. Дастлаб кичик ҳажмли қўл телекамераси сифатида қўлланилган видеокамералар оиласив видео лавҳаларни видеомагнитафонга ёзиб олиш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ТВ-камерава видеомагнитафонниңг ўзаро қоришимаси сифатида камкордер (ингл. “camcorder”) пайдо бўлганидан кейин видеокамера журналистикада қўлланила бошланди.

Проектор LCD (ингл. “liquid crystal display” – LCD) – бир ёки бир нечта суюқ кристалли матрицаан иборат бўлиб, тасвирни экранга узатиб беришга хизмат қиласиган қурилма. Ундан фойаланиш вақтида тасвирниңг сюжетидан келиб чиқсан ҳолда тасвирни ёрқинлаштириш ва кескин ўзгаришларни бартараф этишга тўғри келади.

Электрон доска (ингл. “interactive whiteboard” – интерфаол доска) – катта сенсорли экранга эга қурилма бўлиб, у компьютер ва проектор ҳам кирадиган тизимниңг бир қисми саналади. Проектор ёрдамида компьютерниңг “Иш столи” даги тасвир электрон (интерфаол) досканиңг юзасига чиқарилади, натижада доска “экран”га айланади. Доскага узатиб берилган тасвирни ўзгаришиш, унда маълум ўзгаришларни ҳосил қилиш ёки унга белгилар қўйиш мумкин. Барча ўзгаришлар мос равища компютерда файлга ёзиб олинади, уни сақлаб қўйиш флешка ёки дискка ёзиб олиш, қайта ишлаш мумкин. Бу вазиятда электрон доска ахборотни киритувчи қурилма сифатида намоён бўлади. Доскани маҳсус стилус ёки қўлни унга салгина теккизиш орқали бошқариш мумкин. Доска ва компьютер ўртасидаги алоқа икки ёқлама бўлиб, қўл ёки досканиңг ручкаси (стилуси) худди сичқонча каби ишлайди.

Модем (“модуляция”, “демодуляция” сўзларидан олинган) – узлуксиз сигналларни рақамли маълумот (модуляция) ларга ва рақамли маълумотларни

эса узлуксиз сигнал (демодуляция) ларига айлантириб берадиган қурилма. Компьютер телефон тармоғи орқали ахборот алмасиш мақсадида ишлатилаётганда тармоқдан узатилаётган сигналларни қабул қилиш ва уларни рақамли ахборотларга айлантириш имконини берадиган қурилманинг мавжуд бўлиши тақозо этилади. Модемнинг вазифаси компьютер узатилган сигнални телефон тармоғининг иш частотаси диапозонига мос частотали электр сигналига айлантириб бериш, шунингдек, компьютерлараро алоқани ўрнатишдан иборат. Ушбу қурилма ўзининг коммуникацион дастурларига эга. Мазкур дастурлар узоқ масофаларга маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имконини яратади.

Телефон (қад. юнон. “узок” + “овоз” – узоқдаги овоз) – муайян масофадан туриб, овозни узатиш ва қабул қилиб олишга мўлжалланган аппарат. Замонавий телефонлар электр сигналларни бевосита юбориш имкониятига эга.

Интернет (англ. “Internet” – бутунжаҳон компьютер тармоқларининг бирлашган тизими) – дунёнинг барча нуқталаридаги ўн минглаб ахборотларни сақловчи ва узатиб берувчи компьютер тармоқларни бирлаштирувчи улкан бутунжаҳон компьютерлар тармоғи; унинг вазифаси хоҳловчиларга исталган маълумотларни етказиб беришдан иборат. Кўп ҳолларда “Бутунжаҳон тармоғи”, “Глобал тармоқ” ёки оддийгина “Тармоқ” деб номланади. Интернет асосида Бутунжаҳон ўргамчак тўри (World Wide Web – WWW), шунингдек, жуда кўплаб бошқа маълумотларни етказиб берувчи тизимлар ишлайди. Электронная почта (ингл. “electronic mail” тушунчасидан олинган; “email”, “e-mail”) – 1) жойлашган ўрни, хабар матни ёки файл (хужжат, фотосурат ва ҳ.к.)ан қатъий назар бошқа шахсга маълумотларни юбориш имкониятини берадиган электрон почта; 2) компьютер тармоғи, шунингдек, Интернетдан фойдаланувчилар ўртасида электрон хабарларни алмасиш ва олиш борасида кўрсатиладиган хизмат; технология. Одатда электрон почта орқали юборилган хабар электрон хат (мактуб) ёки e-mail (имэйл), почтанинг ўзи эса қути (электрон қути) деб номланади. Мазкур почта таркибий элементлари, ишлаш тамойиллари ва характерли хусусиятлари (фойдаланишнинг оддийлиги, етказиб беришда маълумотларнинг бироз тутиб турилиши, етарли даражадаги ишончлилик, қолаверса, етказиб бериш кафолатининг мавжуд эмаслиги) га кўра амалда оддий (қоғоз орқали юбориладиган) почтанинг ўзи бўлиб, унда ҳам почта, хат (мактуб), конверт, қути, етказиб бериш ва б. тушунчалар қўлланилади.

Мультимедиа (ингл. “multi” – кўп, “media” – мухит) – битта рақамли тақдим этишда матн, овоз, гарфика, фото, видеони бирлаштирадиган замонавий техник ва дастурий воситаларни қўллаш асосида интерфаол

дастурний таъминот бошқарувига кўра содир бўладиган визуал ва аудиоэффектларнинг ўзаро таъсири. Ўкув жараёнида компьютер дастур (тизим)лари, мустақил таълим учун турли топшириқлар кўринишдаги компьютер моделлари, ўкув машғулотларининг турли босқичларида ҳал этиладиган ўкув-билиш вазифалари, компьютер ўкув ўйинлари, шунингдек, Интернет тармоғидаги таълимий веб-саҳифалар 108 каби мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланилади.

Микрофон – турли хил овозли анимация (Windows тизими ёки MSWord матн муҳаррири) ва тақдимотларни тайёрлашда қўлланиладиган қурилма. Анимациялар тўлиқ овозли шаклда тайёрланади.

Карнай (колонка) – Windows тизими ёки MSWord матн муҳарририда қўлланиладиган овозли анимация ва тақдимотларни намойиш этишда овозларни компьютердан фойдаланувчига эшитишга хизмат қиласидиган қурилма. Унинг асосий вазифаси овоз (мусиқа, овоз ва б.)ни қурилма орқали чиқариб ва кучайтириб беришдан иборат.

Вебкамера – компьютерлараро видеотасвирларни узатувчи қурилма. У халқаро Интернет тармоғи хизматидан фойдаланишда қўлланилади. Вебкамера ёрдамида дунёнинг исталган нуқтасида жойлашган субъектни кўриш, у билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлинади. Интернетда скайп тизимидан фойдалангандашебкамера қўлланилади. Бунда видеоқўнфироқларни, конференсалоқаларни амалгаошириш мумкин.

CD-ROM (CompactDiskReadOnlyMemory) – факат ўқиши мақсадида фойдаланиладиган лазерли қурилма, лазерли (компакт) диск. Ушбу диск ўзида 650 Мбайт (700 Мбайт) ҳажмдаги маълумотни сифдиради, уни ишлатиш қулайБ маълумотларни алмашишда тезкорлик таъминланади. Лазерли (компакт) дискнинг CD-ROM (ўқиши учун) ва CDWriter (ёзувчи; маълумот ва дастурларни ёзиш учун) кўринишлари мавжуд.

Маълумотлар омбори (базаси) – биргаликда қўлланиладиган ўзаро мантикий боғланган маълумотлар тўплами; бир марта белгиланиб, кейин кўплаб фойдалнувчилар томонидан бир вақтнинг ўзида фойдаланиладиган маълумотларни сақловчи ягона омбор.

Назорат саволлари

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни лойихалаштириш ва режалаштириш асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини таълим ташкиллаштиришнинг асосий шакллари туғрисида маълумот беринг?
3. Ўкув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурний талаблар қандай?
4. Тупроқшунослик фанини ўқитиши жараёнида маҳсус дастурний

таъминотлар, электрон манбалар хақида маълумот беринг?

5. Ахборот тизими нима у ҳакида маълумот беринг?

4-мавзуу. Тупроқшунослик фанини ўқитишда машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш

РЕЖА:

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишда машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш.
2. Тупроқшунослик фанини ўқитишда машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишда назорат турини белгилаш (халкаро тажрибалар).

Таянч сўзлар: билим, назария, тупрокшуносликда ўқитиш усуллари, баҳолаш тизими, малака, куникма, касбий қобилият.

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишда машғулотларни назорат ишларини ташкил қилиш. Ўқув-тарбиявий жараён – бу бошқариладиган ва ростланадиган жараён бўлиб, ўқитувчи, устоз ўқувчилардаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни сон ва сифат жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш ва ўқувтарбиявий жараёнда олинган натижаларганига қараб ўзгартиришлар киритиб бориши билан бирга ўзининг фаолиятига ҳам тавсиф беради.

Билим – назарий ва амалий фаолият натижасида ўрганган, эсда сақлаб қолинган, қабул қилинган ва фикрлаштирилган ҳодиса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар тизимиdir. Билимлар ўз навбатида тизимли ва тизимсиз, назарий ва амалий, кенг ва тор, чукур ва юзаки, мосланувчан ва шаблонли, мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаган турларига бўлинади. Буларнинг ичida касбий таълим натижасида ҳосил бўладиган назарий ва амалий билимларни ошириш мумкин. Чунки, назарий билимлар нарсаларнинг (предметлар) етарли даражадаги хусусиятларини техника ва технологиялардан ҳодисасини (явлений) ва уларнинг объектив муносабатини билдиради.

Амалий билим эса техника ва технология соҳасидаги жараёнларнинг алоқасини, ҳодисасини ва бошқаларнинг тӯғридан тӯғри амалий фаолиятга киритилганлигини билдиради.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равищда йўналтирилган ҳолда бирорта ишни баҳолаш қобилиятидир.

Кўникма - янги шароитда инсоннинг (мутахасиснинг) ишни сифатли,

керакли ҳажмда ва ажратилган – белгиланган вақтда бажариш қобилиятидир. Компетенция-хаётин вазиятларда олинган билим, кўникма ва малакаларни қўлланилиши. Кўникмани шакллантириш бу касбий таълимнинг мажбурий охирги мақсади бўлиб, бу кўникма ўқиш, амалиёт жараёнида босқичма-босқич шаклланиб боради.

Касбий қобилият – касбий фаолият шароитида ишни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган шахснинг шахсий –психологик сифати белгисидир. Қобилият туғма бўлмасдан унинг кўзга ташланиши ёки ажралиб туриши муҳитга, ўрганишга, тарбияга боғлиқдир. Қобилиятнинг туғма кўриниши унинг қабул қила олиши, фикрлаши, хотираси, фараз қилиши ва бошқалар бўлгани учун булар ривожлантирилса, тўғри йўлга солишса қобилият юқори чўққига чиқади.

Билим, малака ва кўникма, қобилият ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида алоҳида баҳолаш жуда мураккаб. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш устознинг, ўқитувчининг мухандис педагогнинг услугубий фаолиятини таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқув шароитида ҳар бир ўқувчини диққат билан кузатиб, ўрганиб бориш ва фаолиятини баҳолаб бориши зарур. Умумтаълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув юртлардаги техникавий, технологик фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш усуслари ва шакли асосан бир хилдир. Уларда фақат мазмун жиҳатдан яъни амалиётни, касбий йўналтирилганлик, малака ва кўникмаларга бўлган талабнинг кўпроғи ва бошқалар билан боғлиқдир. Тупроқшунослик фанини ўқитишида фанларини ўрганишда билим, малака ва кўникмаларни баҳолашнинг қуидаги турлари мавжуд:

Жорий – оғзаки сўраш, ёзма назорат ишлари, амалий иш, ўқитувчининг кузатиб бориши, дастурли назорат.

Даврий – ҳар битта мавзунинг ўтгандан кейин текшириб бориш.

Якуний – назорат ишлари, имтиҳон ва битирув ишлари.

Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилишда учта асосий функция (вазифа) амалига оширилади: текширувчи, ўргатувчи ва тарбияловчи.

Текшируви – назорат қилувчи – ўқувчиларнинг, гурух ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини белгилаб бориш (яъни билими, малакаси ва кўникмаси).

Ўргатувчи – ҳар бир ўқувчининг билими, малакаси ва кўникмасини текшириш натижасида бошқа ўқувчилар ўзларининг билим, малака ва кўникмаларини таққослайди ва ўзига хуносалар чиқаради. Шу билан бирга ўқитувчи умумий камчиликларга ҳам тўхталиб ўтиши натижасида бошқа ўқувчиларга сабоқ бўлади.

Тарбияловчи функцияси – тизимли назорат ўқувчиларда ўзига ўзи баҳо беришни, имкониятларини тарбиялайди ва ўз вақтларини тўғри тақсимлашга ундейди. Ўқувчиларнинг билими, малакаси ва кўникмаларини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган шакли оғзаки сўраш (шахсий, группали) дир. Бунинг кенг тарқалганлигининг сабаби уни ташкил қилишнинг осонлиги.

Лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчилик томонлари бор. Қандай савол бериш керак? Саволнинг хажми қандай бўлиши керак? Қанча вақт керак? Нимани сўраш керак? Қачон ўқувчилар билан нима қилиш керак? ва х.к.

Назорат қилиш қандай бўлмасин, уларга қўйиладиган умумий талаб: ўқувчиларга аниқ саволлар билан мурожат қилиш ва бу назоратга кўпроқ ўқувчиларни жалб этишдир. Ўқувчиларнинг касбий маҳорат юритувчи обьектлари бўлиб қуидаги ишлаб чиқариш билим, малака ва қўникмалари хисобланади.

- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш сифати;
- ишлаб чиқариш моҳити унумдорлиги
- вақт ва маҳорат;
- ишни бажаришда ишлаб чиқариш негизларининг усулларини қўллай олиш;
- ҳозирги замон техника ва технологиясини қўллай олиш, иш бажариш;
- мустақил иш бажара олиш;
- амалий ишларни бажариш назарий билимларни қўллай олиш;
- меҳнат маданияти, иш жойи тартиби;
- иш бажариш вақтида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

Ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига ўқитувчи беш балли система бўйича баҳо қўяди. Баҳо қўйишнинг беш балли системасини амалда тадбиқ этишда сўзлар билан ифодаланадиган «аъло», «яхши», «қониқарли», «ёмон», «жуда ёмон» деган баҳоларни «5», «4», «3», «2», «1» рақамлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Рақамли баҳолаш кўпроқ аниқлиги, пухталиги ва фойдаланиш учун қулайлиги билан фарқ қиласди.

Қуидаги баҳо мезонлари белгилаб чиқилган.

Ўқув материалини бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, хисоб-китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини бажариш вақтида олинган илмийтехникавий билимларни мустақил, дадил ва тўғри тадбиқ этиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш (меҳнат ва ҳунар таълими дастурининг талаблари доирасида), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақт нормаси доирасида бажариш «5» баҳо билан баҳоланади.

«4» баҳо бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни оғзаки ва ёзма равища тўғри баён этиши, ҳисоб-китоб ва графика ишларини тўғри ва пухта бажариши, олинган билимлардан ўқув-меҳнат топшириқларини, берилган ишни белгиланган вақт нормасига мувофиқ ўз вақтида бажарилганлиги учун қўйилади.

«3» баҳо программадаги асосий материални бундан кейинги ўқув-меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган хажмда билиши ва тушуниши, ўқув материалини бирмунча хато ва камчиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, меҳнатни ташкил этишда бир оз камчиликлар бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини 75% бажаргани учун қўйилади.

«2» балли баҳо программа материалининг кўп қисмини яхши

тушунмаслик, уни қўпол хатолар билан баён қилиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини етарли даражада бажармаслик, олинган билимларни хатоларга йўл қўйиб татбиқ этиш, меҳнат операсияларини қўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаслик учун қўйилади.

Бутун программа материалини билмаслик ва тушунмаслик, ўтилган материални баён қилиб бера олмаслик, олинган билимлардан амалда фойдалана билмаслик, меҳнат усулларини қўллай олмаслик, хатога йўл қўйиш учун «1» баҳо қўйилади.

Баҳолашни тарбиявий ролини ошириш масаласи дикқатга сазовордир. Шу муносабат билан ўқитувчилар қўйган баҳоларини изоҳлаб бериши мухимдир. Бу ҳол ўқувчиларга ўз билимларидағи камчиликларини, амалий ишларидаги нуқсонларини билиб олишларига ёрдам беради. Баҳолашни мунтазам изоҳлаб бориш уларнинг таълимий ролини оширади.

2. Тупроқшунослик фанини ўқитишда машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишда назорат турини белгилаш (халкаро тажрибалар). Ўқувчиларнинг Блум таксономияси бўйича билиш ўқув мақсадига эришганлигини назорат қилишда улар томонидан муайян мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ўқувчи мавзу бўйича объектларни аниқлаши, уларга таъриф бериши, маълумотларни қайта ишлаши, ўз фикрини баён этиши, муайян жараён, объект ёки воқеанинг моҳиятини тушунтириши, мазкур жараён, объект ёки воқеанинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиши керак бўлади. Ушбу фикрларни стандарт ўқув ва тест топшириги билан амалга ошириб бўлмайди, билиш ўқув мақсадига эришилганлик даражасини аниқлашда куйидаги расмли ва қўп жавобли ностандарт тестлардан фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур тест топшириқлари таҳсил оловчиларнинг нафақат ўзлаштирган билимларини балки объект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўнікмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради. Ўқувчиларнинг Блум таксономияси бўйича билишга оид ўқув мақсадига эришилганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланилайдиган ностандарт тест топшириқларини қўллаш мухим аҳамиятли натижаларни беради. Ўқув мақсадлари таксономияси Бенжамин Блум — томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз ичига билиш, тушуниш, амалиётга қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, баҳолаш кабиларни ўз ичига олади. Блум таксономиясини куйидагича изоҳлаш мумкин:

Ўқув мақсадлари	Таърифи	Калит сўзлар	Машғулотдаги назорат тури	Рейтинг тизимидағи тест топшириғи тури
Билиш	Ахборотни ўзлаштири	1. Аниқлаш; 2. Таърифлаш;	Тест топшириғи	Репродуктив Продуктив Қисман

	ш	3.Қайта ишлаш; 4. Айтиб бериш; 5. Мохиятини тушунтириш; 6. Ажратиб күрсатиш;	Оғзаки жавоб Кластер тузиш Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Кластер тузиш	изланишли Креатив даражада
Тушуниш	Аҳамиятни англаш, асосий ғояни ажратиб күрсатиш	1. Умумлаштириш; 2.Қайта ишлаш; 3. Асосий ғояни қайта ишлаш; 4. Мисоллар келтириш; 5. Ҳимоя қилиш;	Кластер тузиш Кластер тузиш Венн диаграмма Масалалар ечиш	Продуктив Қисманизланишли Креатив даражада
Амалиётга кўллаш	Ахборотни янги кутилмаган вазиятда кўллаш	1.Мослаштириш; 2. Қайта ишлаш; 3. Лойиҳалаш; 4. Моделлаштириш ; 5. Қайта айтиб бериш;	Оғзаки жавоб Кластер тузиш Кластер тузиш Кластер тузиш Оғзаки жавоб	Репродуктив Продуктив Қисман изланишли Креатив даражада
Таҳлил	Ахборотни ёки объектни қисмларга ажратиши	1. Таққослаш 2.Қисмларга ажратиши 3.Ажратиб күрсатиш 4.Қиёслаш	Венн диаграммаси Кластер тузиш Венн диаграммасин и тузиш	Қисман изланишли Креатив даражада
Синтез	Фояларни мужассам лаштириш	1.Гуруҳларга ажратиши 2. Умумлаштириш 3. Реконструкция	Кластер тузиш Венн диаграммасин и тузиш	Қисманизланишли Креатив даражада
Хулосалаш	Ўрганилган . мавзу юзасидан хулоса ясаш	1. Баҳолаш 2. Танқидий фикр юритиш 3. Фикрга қарши фикр билдириш 4 Кўллаб кувватлаш 5.Инкор этиш	Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб Оғзаки жавоб	Репродуктив Продуктив Қисманизланишли Креатив даражада

Ушбу жадвалда ўқув мақсадлари, уларнинг изоҳи, яъни билимларни мақсадга айлантиришда фойдаланиладиган феъллар, семинар, амалий ва лабаратория машғулотлари давомида баҳолаш турлари, ҳамда Рейтинг тизими назорат турларида фойдаланиладиган топшириқлар ўз аксини топган. Мазкур билимларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлигини объектив ва ҳаққоний аниқлаш ва баҳолаш мақсадида тест топшириқларидан фойдаланиш

муҳим аҳамият касб этади.

Тест топшириқларини тузиш, педагогик амалиётда қўллаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тестология фанининг объекти саналади. Ҳар бир ўқув курсининг таълим мазмунини таҳлил қилиш учун қуидаги назарий асосга таяниш лозим. И.Я. Лернер томонидан таълим мазмунининг таркибий қисмларига:

1. Билимлар (илмий тушунчалар, ғоялар, қонунлар, илмий назариялар);
2. Фаолият усуллари (кўникма ва малакалар);
3. Ижодий фаолият тажрибалари;
4. Қадриятлар тизими киритилган.

Назорат саволлари

1. Тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишда нималарга эътибор бериш керак?
2. Халкар тажрибаларга асосланиб тупроқшунослик фанини ўқитишида машғулотларни назорат ишларини ташкил қилишда назорат турини белгилаш йўллари?
3. Фаолият усуллари (кўникма ва малакалар) деганда нимани тушунасиз?
4. Ижодий фаолият тажрибаларига мисоллар келтиринг?
5. Баҳолашни тарбиявий ролини ошириш масаласига мисоллар келтиринг?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ

Амалий машғулотдан мақсад. Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза машғулотларни шакллантириш.

Амалий машғулотнинг вазифалари: Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза машғулотларни мавзусига эътибор бериш, технологияларни жорий қилишда талабаларга мавзуни аниқ ва тўлиқ етказиш максадида тўғри шакллантиришни амалга ошириш.

Тупроқшунослик фанини ўқитишида маъруза машғулотларни шакллантиришда гурухдаги талабаларни сони ва ўтиладиган мавзудан келиб чикган ҳолда ташкил этиш мумкин.

«ФСМУ» методи Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади. Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки фоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидвал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

Ф	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни баён этинг
С	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	<ul style="list-style-type: none"> • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	<ul style="list-style-type: none"> • фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна. Фикр: Тупроқларни органик моддалар билан бойитиш тупроқ унумдорлигини оширишдаги асосий омиллардан биридир”. Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ

Амалий машғулотнинг мақсади: Тупроқшунослик фанини ўқитиша амалий машғулотларни тўғри шакллантириш йўлларни белгилаш.

Амалий машғулотнинг вазифалари:

Амалий машғулот мавзусини ва вазифаларни аниқлаб олиш. Амалий машғулотни лойиҳасини тузиш хамда ўқитишининг замонавий методларини танлаш.

Амалий машғулот қўйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласди:

- Талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш орқали ДТС билан меъёрланган кўникмаларни таркиб топтириш;
- Таркиб топтирилган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин тайёрлаш;

Ўқитувчи амалий машғулотларнинг боришини лойиҳалашда талабалар томонидан бажариладиган иш тартиби, амалий машғулот мавзусидан келиб чиқкан ҳолда Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадлари, мазкур ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш учун талабаларнинг кичик гуруҳлари учун ўқув топшириқлар (Кейс стади, муаммоли саволтопшириқлар, креатив масала машқ)ни шакллантириши ва уларни фан силабусига мавзуулар кетма-кетлигига жойлаши ва талабаларни таништириши лозим. Шуни қайд этиш лозимки, ўқитувчи амалий машғулот топшириқларини шакллантиришда уларнинг мазмуни ўқитиш шакллари бўлган маъruzada ўрганилган назарий масалалар, мустақил таълим топшириқлари билан узвий боғлиқ бўлиши, яъни тушунчаларни интеграциялашга эътибор қаратиши зарур.


Амалий машғулотни ташкил этишда қуйидаги масалалар ўқитувчининг дикқат марказида турмоғи лозим:

- Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши;
 - Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
 - Амалий мазмундаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги;
 - Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши;
 - Амалий иш мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
 - Амалий машғулот иш тартибини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;
 - Амалий иш топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзуулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларини тайёрлаш, уларни мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш;
 - Амалий иш топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланиши;
 - Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик гуруҳлар)ни танлаш ва шу асосда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш йўлларини лойиҳалаш;
 - Амалий иш мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.
 - Амалий иш мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиш, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш;
 - Талабаларнинг амалий иш топшириқларини бажаришга бўлган мотивациясини кучайтириш.

Тупроқшунослик фанини ўқитишда амалий машғулотларни шакллантириш мавзу доирасида келиб чиқкан ҳолда педагогик технологиялар кўлланилади. Мисол учун “Бугунги кунда тупрок унумдорлигини оширишда замонавий усуллар” мавзуси бўйича куйидаги методдан фойдаланиш мумкин.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бирбирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириклар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гурухлар баҳоланади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзаллиги:


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гурухларда қучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли қучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

Амалий машғулотларда мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги ҳамда муаммосидан келиб чикиб, амалий вазиятни тахлил қилишнинг йўналтириувчи чизмадан фойдаланиш амалий дарсни тўлик ёритишида муҳим ахамиятга эга

Амалий наизиятни таҳдил қызметининг йўналтируви чизмаси



З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА СЕМИНАР

МАШГУЛОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Амалий машғулотнинг мақсади. Тупроқшунослик фанини ўқитишида семинар машғулотларни шакллантириш ишлаб чиқиши.

Амалий машғулотнинг вазифалари.

Семинар машғулоти максадини ёритиб бериш бўйича методларни танлаш. Талабаларни ёндашувидан келиб чикиб мустакил фикрлаш, нутқ маданиятни ривожлантириш мақсадида педагогик усулларни ишлаб чиқиши.

Семинар машғулоти қуйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласди:

- Талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш орқали илмий дунёқарашини кенгайтириш;
- ДТС билан меъёрланган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин тайёрлаш;
- Талабаларни илмий-ижод методологияси билан таништириш орқали илмий изланишларга йўллаш;
- Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенциялари асосида касбий йўналтирилганликни амалга ошириш.

Ўқитувчи семинар машғулотларининг боришини лойиҳалашда талабалар томонидан бажариладиган иш тартиби, семинар машғулоти мавзусидан келиб чиқсан ҳолда Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадлари, мазкур ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш учун талабаларнинг кичик групчлари учун ўқув топшириқлар(Кейс стади, муаммоли савол-топшириқлар, креатив масала машқ)ни шакллантириши ва уларни фан силабусига мавзулар кетма-кетлигига жойлаши ва талабаларни таништириши лозим. Шуни қайд этиш лозимки, ўқитувчи семинар машғулоти топшириқларини шакллантиришда уларнинг мазмуни ўқитиши шакллари бўлган маърузада ўрганилган назарий масалалар, мустақил таълим топшириқлари билан узвий боғлиқ бўлишига эътибор қаратиши зарур. Семинар машғулотини ташкил этишда қуйидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим:

Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши;

- Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
- Семинар мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги;
- Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши;
- Семинар мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
- Семинар машғулоти ўқув топшириқларини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;
- Семинар машғулоти топшириқлари таркибида фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг мавжуд бўлиши, улардан мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилаш;
- Семинар машғулоти топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланилиш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик групкалар)ни танлаш ва шу асосда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш йўлларини лойихалаш;
- Семинар машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.
- Семинар машғулоти мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиш, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш;

Педагогика назарияси ва амалиётида маъруза машғулотлари каби семинар машғулотлари ҳам уч тури билан фарқланади: кириш, муаммоли ва умумлаштирувчи семинар машғулотлари. Кириш семинар машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошлангич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Мазкур жараён семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда ўқув курсини ўрганишнинг биринчи ҳафтасида ўтказилади.


Кириш семинарида ўқитувчи талабалар билан ҳамкорликда силабусда берилган ўқув топшириқлари, семинар машғулотларининг мавзулари ва уларда бажариладиган ўқув топшириқларни биргаликда муҳокама қиласи, муайян саволлар бўйича йўл-йўриқ берилади. Муаммоли семинар

машғулотларида маъруза машғулотларида ёритилган илмий-назарий масалалар юзасидан муҳим вазифалар ҳал қилинади. Ўқитувчи ўрганилган мавзуни дидактик жиҳатдан қайта ишлаб чиқиши, муаммоли савол-топшириқлар тузиши орқали талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўнирма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин яратиши лозим. Умумлаштирувчи семинар машғулотлари талабаларнинг курсни ўрганиши давомида ўзлаштирган билим, кўнирма ва малакаларини умумлаштириш, тизимилаштириш, хулоса ясашга замин тайёрлайди. Ўқитувчи семинар машғулотларининг турлари ва уларнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда талабалар учун ўқув топшириқларини шакллантириши лозим.

“Давра суҳбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжудdir. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:
1-таълим оловчилар
2-айлана стол

Тупроқшунослик фанидан берилган семинар мавзуларни ёритишида давра сұхбати методини күллаш яхши самара беради. Бунда хар бир талаба ўз фикрини юрита олади. Мавзуга доир савол берилиб, мисол учун бугунги кунда тупроқшунослик ва агрокимёда ресурстежамкор технологиялар хакида маълумот беринг? Талаба ўз фикрларини ёзма ва оғзаки баён этиши мумкин.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Амалий машғулоттинг мақсади. Талабаларга тупроқшунослик фанини ўқитишида лаборатория машғулотларни түғри шакллантириш

Амалий машғулоттинг вазифалари.

Лаборатория мавзунини ўрганиш ҳамда педагогик ёндашған холда максадни ёритиши. Лаборатория машғулотларни ёритишида албатта методларни түғри танлашни амалга ошириш. Бир вакттинг ўзида талабаларни ўргатиши ва ривожлантириши имкониятини таъминлаш.

Лаборатория машғулотларининг бошқа ўқитиши шаклларидан асосий фарқи талабалар томонидан белгиланған ўқув топшириқлари мустақил равища бажарилади ёки тажриба ўтказилади. Лаборатория машғулотида лаборатория ишлари бажарилади, яъни фанда тажриба йўли билан кашф этилган янгиликлар талабалар томонидан лаборатория хонасида “қайта кашф қилинади”. Шу сабабли, лаборатория машғулоти ўқитиши жараёнида муҳим ўрин тутади ва қуйидаги дидактик мақсадлар:

- Талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш орқали кўникма ва малакаларни таркиб топтириш;

- ДТС билан меъёрланган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллаш асносида илмий изланишларга йўллаш;
- Талабаларнинг илмий-назарий, шу билан бир қаторда илмийметодик тайёргарлигини орттириш;
- Назария-амалиёт, фан ва ишлаб чиқариш бирлиги бўйича билимларни чукурлаштиришни амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда лаборатория машғулотлари талабаларда қуйидаги:

- лаборатория ишининг мақсадини аниқ белгилаш;
- лаборатория ишини бажариш тартибини режалаштириш ва босқичмабосқич ўтказа олиш;
- лаборатория ишидан кутиладиган натижани башорат қилиш ва натижани мустақил равища қўлга киритиш каби ўқув меҳнати кўникмаларини таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Лаборатория машғулотни ташкил этишда қуйидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим:

- Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши;
- Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
- Лаборатория иши мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва жиҳозларнинг етарли даражада бўлиши;
- Талабаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган лаборатория ишларини виртуал лаборатория орқали намойиш қилиш;
- Лаборатория иши мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
- Лаборатория машғулот иш тартибини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;

- Лаборатория иши топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўкув топшириқларини тайёрлаш, уларни мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш;
 - Лаборатория иши топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
 - Лаборатория иш мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.
- Лаборатория иши мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиши, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш; Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида аудиторияда ташкил этиладиган ўқитиш шаклларига маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари киради.

Лаборатория усули – бу шундай усулки, бунда таълим олувчилик таълим берувчи раҳбарлиги остида ва олдиндин тайёрланган режа бўйича тажрибалар ўтказадилар ёки амалий топшириқлаврни бажарадилар, шу жараёнда янги билимларни қабул қилидалар ва англаб этадилар.

Усулнинг асосий вазифалари – ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усул таълим олувчиларга қўйидаги имкониятларни таъминлайди:

- жиҳоз билан ишлаш малака ва кўникмаларни эгаллаш;
- маълум бўлганларни текшириш ва мустақил тадқиқот йўлларини танлаш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш; натижаларни қайта ишлаш ва аввалгилар билан солишириш.


«Ақлий ҳужум» усулининг асосий қоидалари:

- олга сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса

ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!

- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир ҳилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда бўлманг!
- Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.
 - Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
 - Хаёллар «тўзгишига» ижозат беринг.
 - Бу мваммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
 - Фикрлар «хужуми» ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.
 - Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.


“Нима учун” чизмасини түзиш қоидалари



1. Айлана ёки түгри түрт бурчак шакллардан фойдаланишни ўзингиз танлайсиз.
 2. Чизманинг кўринишини - мулоҳазалар занжирини тўғри чизиқлими, тўғри чизиқли эмасмилигини ўзингиз танлайсиз.
 3. Йўналиш кўрсаткичлари сизнинг қидирувларингизни: дастлаб ҳолатдан изланишгача бўлган йўналишингизни белгилайди.

“Балиқ склети” чизмаси

1. Бир қатор мваммоларни тасвирилаш ва уни эчиш имконини беради.
2. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.
3. Чизмани тузиш қоидалари билан танишадилар. Алоҳида кичик гурухларда юқори —суюгига» кичик мваммони ифодалайди, пастда эса, ушбу кичик мваммолар, мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ёзилади
4. Кичик гурухлар бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг чизмаларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.



V. ГЛОССАРИЙ

1. **LMS (Learning Management Systems)**-Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим.
2. **On-line машғулот** – барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи) лар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув машғулоти кўриниши.
3. **On-line ўқиш** – интернет технологияларига асосланган таълим мухитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш жараёнини ташкил этиш усули.
4. **Администратор** – электрон ахборот-таълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг хукуқларга эга бўлган мутахассис.
5. **Анимация** – динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.
6. **Ахборот** – (лат. Informatio – тушунтириш, баён қилиш) – шартли белгилар ёрдамида шахслар, предметлар, далиллар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида, уларни тасвирлаш шаклидан қатъий назар узатиладиган ва сақланадиган маълумотлар.
7. **Виртуал лаборатория** – ўрганилаётган ҳақиқий обьектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурий мажмуа.
8. **Виртуал аудитория** – ўқув жараёнининг ўқитувчиси ва бошқарувчисининг маслаҳатини олиш учун тармоқ технологияси ёрдамида турли географик жойларда яшаётган талабаларни бирлаштириш.
9. **Гиперматн** – ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқаматнли ҳужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.
10. **Гиперматнли тизим** – электрон ҳужжатлар кутубхонасини яратишни таъминлайдиган восита.
11. **Гипермедиа** – матндан ташқари мультимедиа имкониятларини ҳам ўзида мужассамлаштирган маълумотларга йўл кўрсатувчи ҳужжатлар.
12. **Гипермурожаат** – тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок, ҳужжат, гипермуҳит саҳифаси, гиперматнини кўрсатиш имкониятини беради.
13. **Гипермуҳит** – бир-бири билан ассоциатив боғланган нисбатан катта бўлмаган блоклар кўринишидаги ахборотнинг ихтиёрий кўринишини тақдим этган технология.

- 14. Глобал тармок** – минтақавий (қитъалардаги) компьютерларни ўзида бирлаштириш имконига эга бўлган тармок.
- 15. Дидактик воситалар** – ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар.
- 16. Дидактик материал** – фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоти учун мўлжалланган қўлланмаларнинг маҳсус кўриниши. **Дидактик тамойиллар** – натижавийликни таъминлайдиган таълим жараёнига қўйилган энг умумий талаблар тизими.
- 17. Дифференциаллашган таълим** - ўқувчиларнинг мойиллиги, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув фаолиятни ташкил этиш шакли.
- 18. Жараён** - қўйилган мақсадга эришиш учун йўналтирилган амаллар йиғиндиси.
- 19. Индивидуал (яккама-якка тартибда) масофавий ўқитиш** - телекоммуникация ва таълимни таъминлаш учун зарур дастурини воситаларига эга бўлган масофавий ўқитиш.
- 20. Интерактив ўзаро алоқа** – электрон почта, эълонлар электрон доскаси, онлайн мавзули муҳокамалар, чат, аудиоанжуман, видеоанжуман, маълумотлар ва файллар билан 109 алмашиниш, умумий тармок иловаси ва бошқаларни ўз ичига олган компьютер билан ўзаро алоқа қилиш, «инсон-машина» мулоқоти.
- 21. Интерактив ўқув курслари** – ўзаро мулоқот асосига қурилган воситалардан фойдаланиб тузилган курслар.
- 22. Компьютер дарслик** – ўқув фани ёки унинг бўлимини мустақил ўзлаштириш имкониятини таъминлайдиган дастурий-методик мажмуа. Компьютер дарслиги ўзида оддий дарслик, маълумотнома, масалалар ва мисоллар тўплами, лаборатория амалиётларининг хусусиятларини бирлаштиради.
- 23. Контент** – курснинг барча ўқув материаллари, қўлланмалари, ҳужжатлари, вазифалари, тестлар ва назорат метериалларини қамраб оловчи курс мазмуни. **Курс якунида ўтказиладиган тест** – билимларни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш мақсадида курс ўрганилиб бўлгандан кейин ўтказиладиган тест синови.
- 24. Курсни индивидуаллаштириш** – ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини тайёрлаш жараёни.
- 25. Масофавий таълим (МТ)** – таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли. Масофавий таълим маркази –

таълим жараёнининг бошқарув, ўқув-методик, ахборот ва техник таъминотини амалга оширадиган алоҳида бўлим ёки ваколатхона. **Масофавий таълим муассасаси** – масофавий технологиялар асосида ўқув жараёнини амалга оширадиган таълим муассасаси.

26. **Масофавий ўқитиши** – ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли.
27. **Масофавий ўқитишининг ахборот-таълим муҳити** – маълумот, ахборот ресурслари, ўзаро алоқа баённомалари, дастурий ва ташкилий-методик таъминотларни узатиш мажмуи бўлиб, фойдаланувчиларни таълим эҳтиёжларини қаноатлантиришга мўлжалланган.
28. **Масофавий ўқитишининг дастурий таъминоти** – масофавий ўқитиши таъминловчи дастурий воситалар ва платформалар. Масофавий ўқитишининг техник воситалари – масофавий ўқитишининг ахборот-таълим муҳитида ўқув материалларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган техник таъминоти. 110 **Масофавий ўқитишининг ўқув-методик таъминоти** – масофавий ўқитиши дидактик ва психологик талаблари асосида шакллантирилган ахборот-таълим ресурслари, уларни бошқариш тизими, масофавий ўқитиши методлари, тестлар ва тавсиялар мажмуи.
29. **Маълумотлар банки** – маълумотларни йиғиш, сақлаш, излаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган ахборот, техник, дастурий ва ташкилий воситалар мажмуи.
30. **Методик таъминот** – курсни ўрганишга қаратилган турли ахборот ташувчилардаги ўқув материаллар, методик тавсиялар ва маслаҳатлар. **Мулоқот воситалари** – телекоммуникация (интернет) орқали мулоқотни таъминлаш воситалари.
31. **Таълим жараёнини масофавий ўқитиши технологияси** – замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёнини масофадан туриб таъминлайдиган ўқитиши усули ва воситалари ҳамда ўқув жараёнларини бошқариш мажмуи.
32. **Таълим мақсади** – тизимлаштирилган билим, кўнирма ва малакаларни ўзлаштириш, фаоллик ва мустақилликни ривожлантириш, бутун дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш.
33. **Таълимнинг компьютер технологияси** - компьютер техникиси, коммуникация воситалари, шунингдек, ахборотларни ифодалаш, узатиш ва йиғиш, билиш фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг вазифаларини моделлаштирувчи

интерактив дастурий маҳсулотлар асосида педагогик шаротини яратишнинг метод, шакл ва воситалари мажмуи.

34. **Тизим (system)** - ягона мақсад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуаси.
35. **Тьютор** - аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг алоҳида турларини ўтказиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига раҳбарлик қиласидиган, ўқувчилар томонидан ўқув режасини бажарганликлари ҳамда ўқув материалини ўзлаштирганликларини назорат қилувчи ўқитувчи – маслаҳатчи.
36. **Ўқитишининг виртуал мухити** - таълим жараёнининг барча иштироқчилари орасида интерактив алоқани таъминлайдиган маҳсус ўзаро алоқадор ва доимий янгиланиб туриладиган ўқитиши воситаларининг мажмуасини ташкил этувчи очиқ тизим.
37. **Ўқув материалларни сақлаш технологиялари** – ўқув материалларини ахборот ташувчиларда: чоп этилган маҳсулот, аудио ва видеокасеталар, дискеталар, дисклар, ftp ва www- серверларда сақлаш восита ва методлари мажмуи.
38. **Электрон алоқа** - ахборот тармоқлари орқали фойдаланувчиларга хатларни етказиши таъминлашнинг муҳим тармоқли кўриниши. Электрон алоқа – компьютер тармоқлари орқали фойдаланувчиларга маълумотларни етказиб бериш.
39. **Электрон алоқа (electronic mail)** - компьютер тармоғида маълумотларни сақлаш ва уларни фойдаланувчилар орасида ўзаро алмашишини таъминлайдиган тизим. Internetда телефон тармоғи орқали фойдаланувчилар орасида маълумот алмашиш имконини беради, маълумот матн ёки файл кўринишида бўлиши мумкин.
40. **Электрон дарслик** – компьютер технологияларига асосланган ўқитиши методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиши воситаси.
41. **Электрон жадвал** - номланган сатр ва устун кўринишидаги тартибланган ва турли типдаги ахборотларни қайта ишлайдиган дастур.
42. **Электрон кутубхона** – электрон ахборот-таълим ресурслари мажмуаси.
43. **Электрон ўқув қўлланма** - бу давлат таълим стандартининг мутахассислик ва йуналишлар бўйича фанларнинг алоҳида муҳимроқ бўлимлари бўйича тайёрланган электрон нашрлар, намунавий ва ишчи режалар, шунингдек, машқлар ва масалалар тўпламлари, харита ва схемалар альбомлари, тузилма атласлари, фанлар бўйича хрестоматиялар, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотномалар акс этган электрон манбадир.

- 44. Электрон университетлар** – бу Интернетдан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги технология ва шакли.
- 45. Кейс-технология** – масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услугики, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кейс) ўқув услугбий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш борасидаги назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3318-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнъ “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18-июндаги “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 510-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

III. Maxsus адабиётлар

22. Abdullayev S.A., Namozov X.Q. Tuproq melioratsiyasi va gidrologiyasi. – Т., Fan va texnologiya, 2018. – 376 б.
23. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
24. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
25. Gafurova L.A., Abdraxmanov T.A., Jabbarov Z.A., Turapov I.T., Saidova M.E. Tuproq degradatsiyasi. Darslik. Toshkent, Мумтоз сўз нашриёти, 2019. -234 б.
26. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
27. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
28. Kuziyev R.K., Yuldashev G ‘. O‘zbekiston tuproqlari va ulardan samarali foydalanish. – Т., “Zilol buloq”. 2019. – 212 б.
29. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
30. Pavel Krasilnikov, Maria Konyushkova and Ronald Vargas. Land resources and food security of Central Asia and Southern Caucasus. Food and Agriculture Organization of the United Nations, – Rome, 2016. – 418 p.
31. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

32. Yuldashev G‘., Isag‘aliyev M. Tuproq biogeokimyosi. – Т., “Tafakkur bo‘stoni”. 2014. – 352 b.
33. Yuldashev G‘., Jabborov Z., Abdrazmonov T., Tuproq kimyosi. – Т., “Uneshinvestrom”. 2019. – 248 b.
34. Yuldashev G‘., Mirzayev U. Tuproq kimyosidan laboratoriya va amaliy mashg‘ulotlar. – Т., “Poligraf Super Servis”, 2019. – 178 b.
35. Абдрахмонов Т. Чўл минтақаси тупроқларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ва уларнинг рекультивацияси. Тошкент. “Университет” 2018. 190 б.
36. Абдрахмонов Т., Жаббаров З., Никадамбаева Х. Тупроқларни кимёвий ифлосланиш муаммолари ва муҳофаза қилиш тадбирлари маҳсус курсини ўқитишида педагогик технологиялар. – Т., Университет, 2010. – 112 б.
37. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
38. Гафурова Л.А, Абрахмонов Т., Жабборов З., Сайдова М. Тупроқлар деградацияси. Тошкент, 2018, “Mumtoz so’z”.
39. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
40. Добровольский Г.В., Никитин Е.Д. Экология почв. Учение об экологических функциях почв: Учебник. - 2-е изд., уточн. и доп. – М.: Изд-во Московского университета, 2012. – 412 с.
41. Завгородняя Ю. А., Караванова Е. И., Салпагарова И. А. Экологический мониторинг. Практикум и семинары: учебное пособие. – М.: МАКС Пресс, 2019. – 68 с.
42. Ибраймов А. Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 бет.
43. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
44. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
45. Махмудов Ю. Инновацион таълим технологияларидан укув жараёнида фойдаланишининг методик-дидактик асослари. Монография. - Т.: “Yangi nashr” нашриети, 2018. -196 б.
46. Минеев В.Г. под ред. Агрохимия. Классический университетский учебник для стран СНГ. В.Г.Минеев, В.Г.Сычёв, Г.П.Гамзиков и др. – М., Изд-во ВНИА имени Д.Н.Прянишникова. 2017. – 854 с.
47. Мотузова Г.В., Безуглова О.С. Экологический мониторинг почв: учебник. – М.: Академический Проект; Гаудеамус, 2007. – 237 с.
48. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўкув-методик кўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
49. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf

50. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
51. С.Корси. Тупрокни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти. 2019
52. Сатторов Ж. Агрокимё. Тошкент, Чўлпон, 2011.
53. Сатторов Ж., Сидиков С. Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш йўллари. – Т., “Университет”. 2018. – 530 б.
54. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
55. Соколов И.А. Теоретические проблемы генетического почвоведения. – Новосибирск: «Гуманитарные технологии», 2004. – 288 с.
56. Строганова М. Н. Информационная технология образования в почвоведении // «Живые и биокосные системы». –2012. – № 1; URL:<http://www.jbks.ru/archive/issue-1/article-1>.
57. Ўзбекистон сугориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш / Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. М.И.Рузметов, О.А.Жабборов, Р.Қ.Қўзиев, С.А.Абдуллаев, З.А.Жаббаров, А.С.Пулатов, Ж.Б.Мусаев, А.Ж.Эргашев, З.Х.Саломов, Ш.В.Агзамова, М.А.Мирзабоева, О.Сафаров, У.Х.Нурматов, Ш.М.Холдоров, М.Р.Кунгиров, Ж.Деҳқонов. Тошкент, “Университет”, 2018. - 312 бет.
58. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
59. ФАО. Тупроқни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги: Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерлар учун ўқув қўлланма. Тошкент. 160 варак. Лицензия: CC BYNC-SA 3.0 IGO.
60. Юлдашев F., Холдаров Д. Шўрланган тупроқлар биогеокимёси. – Ф., “Poligraf Super Servis”, 2018. – 157 б.

IV. Интернет сайтлар

61. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
62. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
63. www.Ziyonet.Uz
64. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
65. <http://soil.msu.ru/>
66. <https://www.issa-siberia.ru/>
67. <http://soil.uz/uz/>

